

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультети

**“МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва
мамлакатшунослиги” кафедраси**

Қўлёзма ҳуқуқида

Хидиров Нодирбек Носирович

**АРАБ ДАВЛАТЛАРИДА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ(МИСР МИСОЛИДА)**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**5341000 - Минтақашунослик (Иқтисод ва мамлакатшунослик) – Яқин ва Ўрта
Шарқ минтақаси иқтисодиёти йўналиши**

Илмий раҳбар: Қодирова.З.

Илмий маслаҳатчи: и.ф.н.доц.Эрмаматов Ш.Ж.

ТОШКЕНТ - 2011

ҲИМОЯГА РУХСАТ БЕРИЛДИ:

Факультет декани:

с.ф.н., доцент И.Н.Бекмуратов

Кафедра мудири:

и.ф.н., доцент Ш.Ж.Эрмаматов

Мундарижа

КИРИШ

I БОБ. МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ

1.1. Миср Араб Республикаси ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари

1.2. Миср инвестиция сиёсати ва унинг ирригация тизими ривожланишига таъсири

II БОБ. ЯҚИН ШАРҚ ВА ШИМОЛИЙ АФРИКАДА СУВ МУАММОСИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИЛИШИНING ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. Мисрда сув таъминоти муаммоси ва уни ҳал этилишининг аҳамияти ва истиқболлари

2.2. Тошқа лойиҳаси: Миср ирригация тизими ривожланишининг асосий омили сифатида

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Глобаллашув шароитида жаҳон иқисодиёти турли суръатларда ривожланмоқда. Етакчи иқтисодчи мутахассисларнинг фикрларича, тараққиёт турли жойларда нисбатан ва мутлақ бир-биридан фарқланиши мумкин, бироқ у ёки бу жараённинг албатта дунё мамлакатларига таъсири сезилади.

2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳануз турли давлатлар иқтисодий ривожланишига таъсир этиб келмоқда. Ваҳоланки, мазкур инқироз АҚШда юз берган бўлиб, оз фурсат ичида дунё мамлакатларини тўлиғича қамраб олди.

Араб олами хусусан Миср Араб Республикасида ҳам мазкур ва бошқа салбий оқибатлар, уларни олдини олиш ва тегишли чора-тадбирлар қўллашга йўналтирилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Шулар натижасида мамлакат макроиқтисодий ҳолати яхшиланиб бормоқда. Масалан 2009 йилда Миср ЯИМ ўсиши 4,6% ни ташкил этган бўлиб, баъзи давлатларда мазкур кўраткич салбий ҳолатни ифодалаган.

Таъкидлаш керакки, мамлакат иқтисодий–географик жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашган. Бироқ, мамлакатда сув ресурслари муаммоси ҳалигача долзарблигини йўқотганича йўқ.

Сув ресурслари муаммоси катта аҳамият касб этиб, ушбу ресурслар кўплаб низолар келтириб чиқариши мумкин. Дарҳақиқат, Яқин Шарқ минтақаси ва Африка қитъаси аҳолиси шиддат билан ўсаётган бўлса, сув манбалари деярли қисқариб бормоқда. Қуриётган иқлим, аҳоли тез ўсиш суръати амалда сувни ХХІ асрнинг энг долзарб муаммосига айлантирди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) ЮНИСЕФ маълумотларига мувофиқ бир миллиондан ортиқ инсонлар ҳануз хавфли ичимлик сув манбаларидан фойдаланишмоқда.

Нисбатан бу хавф, ривожланаётган давлатларда, айниқса Африканинг Сахро худудларида қайд этилган. Африка банки мутахассислари Африка қишлоқ аҳолисининг сув таъминотини 2015 йилгача координал равишда кучайтириш учун 10 млрд.АҚШ.долл.дан кам бўлмаган инвестициялар зарур эканлигини таъкидлашган. Агар ушбу сармоялар ажратилиб, соҳада ислохотлар олиб борилса, 80% африкаликлар тоза ичимлик сувидан фойдаланиши, худди шу миқдордаги инвестициялардан 2025 йилгача фойдаланилса, “Қора китъа”нинг барча аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳра олиш имконига эга бўлар экан.

Осиё ва Африка давлатларидаги сув муаммоси нисбатан муҳим муаммо ҳисобланган озиқ-овқат билан чамбарчас боғлиқдир. Араб давлатлари йилига 50 млрд. АҚШ. доллар маблағни фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини суғоришга сарфлайди. Миср Сув ресурслари Вазирлиги томонидан берилган маълумотларга кўра, 2025 йилга келиб араб давлатларининг 90%ини “сув ресурсларига қашшоқ” мамлакатлар деб ҳисоблаш мумкин.

Бироқ ҳозирги кунда мамлакатда етарлича ишлар амалга оширилмоқда. Сув ресурслари билан таъминлаш учун зарурий миқдорда инвестициялар жалб этилмоқда. Истиқболда мамлакатда мазкур жараённи барқарор равишда ушлаб туриш учун Тошқа лойиҳаси каби проектлар ишлаб чиқилмоқда.

Албатта мазкур мавзу доирасида ишлар етарли бўлиши мумкин. Бироқ, сув ресурслари муаммоси авж олган минтақа ва давлатларни алоҳида олган ҳолда ўрганиш бўйича илмий ишларни етарли деб бўлмайди. Шу ва юқорида баён этилган фикрлар тадқиқ этилаётган ишнинг долзарблигига хизмат қилади.

Мавзунинг ўрганганлик даражаси. Араб мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва ундаги муаммоларнинг айрим жиҳатлари Яқин ва Узоқ хориж иқтисодчи ва шарқшунос олимлари И.А. Александров,

А.М. Васильев, А.Г. Георгиев, А.З. Егорин, М.Г. Закария, В.А. Исаев, А.В. Малешенко, Р.В. Маркарян, Е.С. Милкумян, В.В. Озолинг, Е.М. Примаков, А.О. Филоник, А.И. Яковлев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Араб мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, модернизация ва саноатлаштириш жараёнларининг баъзи муаммолари С. Иноғомов, З. Мунавваров, Л.С. Зиядуллаева, С. Ғафуров каби ўзбек шарқшунос олимлари илмий ишларида ёритилган.

Ўтиш даврида ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ўзбек иқтисодчи олимлари Н.Т. Тўхлиев, А.А. Ваҳобов, А.М. Жўраев, Т.К. Саидова, Р.А. Убайдуллаев, Р.Ҳ. Шодиев, Б.А. Эшонов, М.А. Ҳакимовалар тадқиқотларидан ўрин олган.

Шунингдек мазкур масалалар табиийки қатор араб иқтисодчилар томонидан ҳам кенг тадқиқи этилган. Бундай олимлар сирасига доктор Али Салама, Мухаммад Давоба, Первин Мамед Заде, доктор Мухаммад Заидларни киритиш мумкин.

Битирув-малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг **мақсади** Миср Араб Республикасида сув муаммосини ҳал этиш бўйича ирригация тизимида амалга оширилган ишлар ва истиқболли тегишли лойиҳаларни ўрганиш ва уларни таҳлил этишдан иборат.

Ушбу мақсадни ёритишда қуйидаги **вазифалар** асос қилиб олинган:

- Миср Араб Республикаси ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган ва очиқ берилган;
- Миср инвестиция сиёсати ва унинг ирригация тизимини ривожлантиришга таъсири ёритилган;
- Миср сув таъминоти муаммосининг ҳал этилиш аҳамияти ва истиқболлари ўрганилган;
- Миср ирригация тизими ривожланишида “Тошқа” лойиҳаси ўрганилган ва таҳлил этилган.

БМИ объекти сифатида Миср ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари танлаб олинган.

БМИ предмети Миср иқтисодий ривожланишида сув ресурслари ва ирригация тизими ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг назарий-услубий асоси бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг информацион-ахборот базаси. Ишни ёзишда кўплаб рус, инглиз ва араб тилларидаги манбалар, Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Иқтисордий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференциялари, Араб валюта фонди, Миср ирригация ва Сув ресурслари Вазирлиги каби ташкилот ва муассасалар томонидан чоп этилган статистик тўплам маълумотларидан фойдаланилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон ва хорижий давлатлар илмий-тадқиқот институтлари материалларидан ҳам кенг кўламда ишлатилди.

Мазкур ишни тайёрлашда Ўзбекистоннинг “Экономическое обозрение” ва хорижий давлатларнинг “Бизнес для всех”, “Бюллетень Зарубежные коммерческие информации”, “Вестник”, “Международная экономика и международные связи”, “Эксперт” ва бошқалардан кенг кўламда фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг **кириш** қисмида тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Битирув малакавий ишининг **“Миср Араб Республикасининг иқтисодий ривожланиши ва ирригация тизими”** биринчи бобида Миср Араб Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ва мамлакатнинг инвестиция сиёсати ва унинг ирригация тизимига таъсири масалалари батафсил ёритилган.

Ишнинг **“Яқин Шарқ ва Шимолий Африка сув ресурслари муаммоси ва уни бартараф этилишининг истиқболлари ”** иккинчи бобида Мисрда сув таъминоти муаммоси ва уни ҳал этилишининг аҳамияти ва истиқболлари ҳамда Миср ирригация тизими ривожланишининг асосий омили сифатида намоён бўлган Тошқа лойиҳаси каби масалалар таҳлил этилган.

Ишнинг **хулоса** қисмида олинган илмий хулоса, амалий тавсия ва таклифлар умумлаштирилган.

I БОБ. МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ

1.1. Миср Араб Республикаси ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари

Миср ижтимоий–иқтисодий кўрсаткичлари бўйича араб мамлакатлари каторидан ўзига хос ўринларни эгаллаб келаётган давлат. Миср ҳукумати бозор иқтисодиётига йўналтирилган ислохотларининг негизида аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб–қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ётади. Ҳаммамизга маълумки, кўпчилик араб давлатлари ижтимоий–иқтисодий ислохотларни биринчи ва иккинчи фазалардаги беш, ўн йиллик каби даврларга бўлиб олган ҳолда амалга оширадилар. Чунки, юқори малакали кадрларни тайёрлаш анчагина вақтни талаб этади. МАР нинг етук иқтисодчиларининг фикрлари бўйича, аҳоли ижтимоий жиҳатдан кучли қатламни ташкил этса, бу мамлакат иқтисодиётини кўтаришнинг энг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади.

2010 йил мобайнида Миср ижтимоий соҳада асосий эътиборни ишсизликни камайтиришга қаратган. Олий ўқув юртларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. 2006 йил декабр ойида 215 минг нафар олий маълумотли ёш мутахассислар иш билан таъминланган, аммо бу асосий масалани ҳал этилишининг фақатгина бир кичик қисми бўлган. 2010 йилда мазкур муаммо ҳал этилиши анча мураккаблашиб борди. Албатта, бу мамлакатдаги тартибсизликлар ва қарама–қаршиликлар билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакат статистика маркази маълумотларига мувофиқ, 2009 йилда ишсизлик кўрсаткичи 9,4% ни ташкил этган бўлиб, 2008 йилда эса ушбу кўрсаткич 8,7% ни қайд этган. Мамлакатда 2010 йилда 25 млн. ишчи кучи мавжуд бўлиб, уларнинг 32% қишлоқ хўжалигида, 17% саноатда ва 51% хизмат кўрсатиш секторларида банд¹.

¹ الجهاز المركزي للتعبئة العامة و الاحصاء

Ҳукумат ишсизликка қарши курашиш воситаси сифатида янги иш жойларини ташкил этиш билан шуғулланган. 2010 йилда янги ерларни ўзлаштириш учун қишлоқ хўжалигига 5 млрд. АҚШ долл. сарфланган ва Тошка, Синай ярим ороли, Нил дельтасининг Ғарбий қисми ҳамда бошқа минтақаларда 1,8 млн. феддан (58 800 га) ер ўзлаштирилган.


Мисрда 2010 йилда аҳоли ўртача 1,7 млн.га ўсганини эътиборга олган ҳолда мамлакатда йилига 600-650 минг иш жойлари ташкил қилиниши керак. Амалга оширилаётган ислохотлар айтарлиқ наф бермаётгани ва чет элда ишлаётган 2,1 млн. мисрликларнинг муайян қисми қайтиб келиши нафақат мамлакатга келаётган маблағлар камайиши, балки ишсизлик муаммосини янада мураккаблашишига сабаб бўлмоқда.

2010 йилда Миср ҳукумати соғлиқни сақлашга катта эътибор бериб, уни яхшилаш йўлида 45 млрд. АҚШ долл. ажратган ва бу маблағ тўлиқ ўзлаштирилган. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 500 га яқин касалхона куриб битказилиб, фойдаланишга топширилган. Мисрда 2006 йил охирига келиб 455 та марказий ва 4631 та қишлоқ врачлик касалхонаси бўлиб, унда 155 минг малакали тиббиёт ходимлари ва 187 минг ҳамшира ишлаган ҳамда аҳолига 138 минг дорихона хизмат кўрсатган. Аммо бунинг ҳаммаси мамлакатнинг соғлиқни сақлашга бўлган эҳтиёжини қондирмайди.

Миср аҳолисининг 45 % ни саводсизлар ташкил этгани боис, у анчагина муаммоларни вужудга келтиради. 2003 йилда саводсизликка қарши кураш борасида мамлакатда 2010 йилга қадар саводсизликни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган дастурни ҳаётга татбиқ этиш давом эттирилган.

Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бевосита иқтисодий имкониятлар билан боғлиқ. Миср иқтисодида ўсиш суръатлари режалаштирилган 4,6 % ўрнига 3,0 % га тенг бўлишига қарамай, ижтимоий-иқтисодий шароит 2010 йилда олдинги йилга нисбатан бирмунча яхшилانган. Ялпи ички маҳсулотнинг 2009-2010 молия йилидаги ўсиш суръати 7,1% ни ташкил этиши

2008-2009 йилги 6.8% га қараганда кўпроқ, аммо кутилганидан кам бўлган². Статистик ҳисоботда режага эришилмаганининг асосий сабаби сифатида халқаро иқтисодиётда барқарорлик йўқлиги ва Ироқдаги серияли урушлар сабаб қилиб кўрсатилган.




Мисрда 2009-2010 молия йилида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 72 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этиб, ўтган молия йилига нисбатан бирмунча кўпайган. Ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпини Сувайш канали (23 %), хизмат кўрсатиш (19 %), энергетика (7,8 %), қишлоқ хўжалиги (2,8 %) ва саноатдан (2,6 %) келган даромадлар ташкил этган.

2009-2010 молия йилида инфляция 4,0 % ташкил этиб, ўтган молия йилига (2,7 %) нисбатан 1,3 % га ошган.

Ҳисобот йилида Миср жунайҳи курсининг ўзгариб туриши ўзининг ижобий самарасини ҳам берган. Миср марказий банки ҳисоботига кўра, экспорт, ҳисобот ва жорий балансда 1996-1997 молия йилидан бери биринчи бор иқтисодий юксалишга эришилган.

² Social and Economic Development Follow-Up report for the Year (2006/2007)

2008-2009 ва 2009-2010 йиллар оралиғида нархларда ЯИМ нинг ўсиш динамикасида нархлар ўртача 8 ва 7 млрд.МФ.да ўсиш кузатилган.



Миср иқтисодий ва молиявий қийинчиликларни маълум даражада енггани боис бир неча йилдан бери биринчи марта мамлакатнинг валюта захиралари 14,8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган.

Мисрнинг ташқи қарзлари 2009-2010 молия йилида 48,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2008-2009 молия йили даражасида қолган. Миср ташқи қарзи валюта захирасига нисбатан фақатгина икки баробар кўплиги ва ялпи ички маҳсулотнинг 44,1% ни ташкил этгани, бу кўрсаткични мамлакат иқтисоди учун хавфсиз даражада деб қабул қилинишига асос бўлган.

2010 йил давомида Миср ҳукумати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш бўйича қатор тадбирларни амалга оширганига қарамай аҳоли ўсишининг юқори суръати мавжудлиги боис, бу борада муайян қийинчиликлар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Расмий маълумотларига кўра, 2010 йилда аҳолининг ўсиш суръатини 1,9 % га туширишга эришилган ва аҳоли 1 315 052 кишига кўпайиб, жами 70 528 326 кишини ташкил этган.

Ишсизлик 2009 йилда ҳам ижтимоий масалаларнинг энг мураккаби қаторидан ўрин олган. Мамлакатда 2009 йилда олий ўқув юртларини битирган 890 минг ёшдан 365 минги иш билан таъминланган ва қолган 525 минги эса ишсизлар сафини тўлдирган. Расмий манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Мисрда 2009 йилда 700 минг киши ишсизлар қаторидан жой олган.

Мисрда ишга лаёқатлиларни иш билан таъминлаш масаласида пенсия ёшига қатъий амал қилиниб, 2009 йилда 180 минг киши нафақага чиқарилган ва уларнинг ўрнига ёшлар қабул қилинган. Ҳукумат муассасаларидан ташқари хусусий сектор тасарруфидаги 2,3 миллион кичик корхоналарда ишлаётган 4,5 миллион киши қаторига яна 150 минг мисрлик фуқароларни қабул қилинган.

Ҳукумат томонидан эълон қилинган расмий маълумотларга кўра, 2010 йилда жами ишга лаёқатлиларнинг 9,9% ни ташкил этган ишсизлик кўрсаткичини 2011 йилда 9,3 % га туширишга эришилган. Бу ўз навбатида мамлакатда 19,5 млн. иш жойи борлигининг далолати бўлиб, ўтган йилги 18,9 млн.га нисбатан 600 мингга (қишлоқ хўжалиги, нефт ва қурилишда 250 минг киши - 41,7 %, ҳукумат хизматида 210 минг киши - 35 %, хизмат кўрсатиш сектори, савдо ва туризмда 140 минг киши - 23,3 %) ошган.

Ҳукумат мисрликларнинг чет элларда, асосан бошқа араб давлатларида, ишлаши учун 2010 йилда 50.450 иш жойи ташкил этган ва бу ўринларга ижтимоий таъминот вазирлиги қошидаги марказда тайёргарликдан ўтган фуқароларни юборган.

Мутахассисларнинг фикрича, Мисрда йилига 800 минг - 1 миллион иш жойи ташкил этилиши ишсизлик масаласини ҳал этилишида бурилиш ясаши ва иқтисодиётни 6-7 % га ўсишини таъминлаши мумкин. Айни пайтда расмий манбалар келтирган маълумотларга биноан мамлакатда 2010 йилда 1,24 млн. (кузатувчилар фикрича - 1,998 млн.) ишсиз бўлган.

Миср ҳукумати аҳоли соғлиғини сақлаш масаласини доимо назорат қилиб бормоқда. Миллий Демократик Партиянинг 2010 йил сентябр ойидаги 2-конференциясида соғлиқни сақлаш масаласи давлатнинг диққат марказида эканлигини зикр этилган бўлиб, асосий эътибор аҳолининг барча табақалари, хусусан кам таъминланганларга қаратилиши ҳамда ҳар бир фуқарони соғлиқ суғуртасига жалб этилиши лозимлигини таъкидланган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, 2010 йилда давлат камбағаллар ва махсус гуруҳ аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш учун 97,087 млн. АҚШ долл., жумладан дори-дармонлар учун 11,326 млн. АҚШ долл. сарфлаган. Айтиш пайтида соғлиқни сақлаш масаласини ҳал этиш Мисрда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш билан узвий боғлиқ бўлганлиги боис ҳукумат бу масалага ҳам катта эътибор бермоқда ва унга, расмий маълумотларга кўра, 2010 йилда 566 млн. АҚШ долл. сарфланган.

2010 йилда Миср аҳолисининг қирқ уч фоизидан ортиғини саводсизлар ташкил этгани боис, у анчагина муаммолар вужудга келтирган. Саводсизларнинг аксариятини 15-20 ёшдагилар ташкил этиб, улардан 38 фоизи эркаклар ва 62 фоизи аёлларга тўғри келади. Миср ҳукумати саводсизликнинг асосий иллоти сифатида вилоятлардаги камбағал оилаларда кенг тарқалган омил – туғилишнинг кўплигини кўрсатмоқда.

Ҳукумат таълим соҳасида Европа ҳамжамияти, Жаҳон банки, араб дунёсидаги хайрия жамғармалар ва ЮНЕСКО нинг молиявий ҳамда техник кўмаги орқали 25 та лойиҳани амалга ошира бошлаган.

Миср иқтисодида ўсиш суръати, расмий маълумотларга кўра, 2009-2010 молия йилида 4,1 % (норасмий маълумотларда - 3,1 %) ва инфляция 4,0 % (4,3 %) ни ташкил этган.

2009-2010 молия йили давомида мисрлик ишчиларни мамлакатга ўтказган валюта миқдори 2,999 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этган. Маҳаллий маҳсулотлар 2009-2010 молия йилида олдинги йилга (105,98 млрд. АҚШ долл.) нисбатан 13,6 млрд. АҚШ долл. ошган ва 119,58 млрд. долл.ни ташкил этган. ЯИМ ўтган йилга (63,26) қараганда 8,74 млрд. АҚШ долл.га ошган ва 72 млрд. АҚШ долл.ни

ташкил этган. Хизмат кўрсатиш соҳасидан 1,68 млрд АҚШ долл. тушган ва бу маблағ ўтган йилга (1,25 АҚШ долл.) нисбатан 34,4% га ўсган. Нефт ва газдан 4,1 млрд. АҚШ долл. тушган ва ўтган йилга (2,9 млрд. АҚШ долл) нисбатан ўсиш 42 % дан иборат бўлган, қишлоқ хўжалиги тушуми 11,375 млрд. АҚШ долл.и бўлиб, ўтган йилга (10,55 млрд. АҚШ долл.) нисбатан 7,9 % га ўсган, нефтдан ташқари саноат 13,1 млрд. АҚШ долл. ташкил этиб, ўтган йилга (11,812 АҚШ долл.) нисбатан 3,5 % га ошган, электр энергия 1,116 млрд. АҚШ долл. миқдорида ишлаб чиқарилган (ўтган йили 1,035 млрд. АҚШ долл. эди), Сувайш каналидан тушум 2,795 АҚШ долл.ни ташкил этиб, ўсиш ўтган йилга (2,236 млрд. АҚШ долл.) нисбатан 25 % бўлган.

Айни пайтда расмий манбаларда Мисрнинг ташқи қарзи 30 млрд. АҚШ долл. атрофида эканлиги зикр этилиб, бу миқдор маҳаллий ишлаб чиқаришнинг 45 % ташкил этиши хавфсиз миқдор деб қабул қилинмоқда.

Инвестиция 2009-2010 молия йилида 11,4 млрд. АҚШ долл. ташкил этган бўлса, 2009-2010 молия йилида 13,1 млрд. АҚШ долл.га етган ва унинг 6,14 млрд. АҚШ долл.и хусусий сектор томонидан ўзлаштирилган. 2010 йилда Мисрда иқтисодий ёрдам сифатида Араб валюта жамғармаси 750 млн. АҚШ долл., Америка Қўшма Штатлари 575 млн. АҚШ долл., Халқаро банк 335 млн. АҚШ долл., Европа Иттифоқи 164,5 млн. евро миқдоридаги маблағни ажратган.

Парламентнинг нефт-газ қудуқларини қазиш бўйича 2004-йилда тасдиқлаган барча битимлар сони 34 га етган. Ушбу битимлар асосида 10 дан ортиқ хорижий ширкат 154 та қудуқни қазиш учун 2004 йилдан бошлаб, келгуси 8-10 йил давомида 1,040 млрд. АҚШ долл. миқдордаги маблағни инвестиция қилишга киришган.

2010 йилда Мисрда жами 187 та янги кон очилган бўлиб, улар 865 млн. баррел ҳажмли 115 та нефт ва 35 триллион куб фут ҳажмли 72 та газ конидан иборатдир. Ҳозирги кунда Миср йилига 58,5 млн. т нефт ва газ қазиб чиқармоқда. Бу миқдор нафақат ички эҳтиёжни қоплаш, балки унинг катта қисмини хорижга экспорт қилишга имконият берапти.

Миср иқтисодида нефтдан келадиган даромад 17-24 % га ошиши режалаштирилмоқда. Жумладан, 2005- 2006 молия йилида 18,6 млн. т. нефт ва газ экспортидан тушган маблағ 4,1 млрд. АҚШ долл. ни ташкил этган бўлса, янги 2006-2010 молия йилида 27 млн. тонна нефт-газ экспорт қилиниши ва ундан 5,4 млрд. АҚШ долл.и миқдорида маблағ тушиши кутилмоқда. 2011 йилга бориб нефт экспорти 45 млн. тонна ва кейинчалик 100 млн. тоннага етказилиши режалаштирилмоқда. Миср экспертлари нефт экспортидан 10 млрд. АҚШ долл. маблағ тушганида, олинадиган соф фойда 4 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этишини таъкидламоқдалар.

Миср нефт билан бир қаторда газ қазиб олиш ишига ҳам катта эътибор бермоқда. Газ экспорти бўйича дунёда 13-ўринни эгаллаган Миср 2010 йил охирига бориб, маҳаллий мутахассисларнинг талқинича, жаҳонда олтинчи ўринга кўтарилган. 2012 йилда янги газ конлари ишга туширилгач, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда Миср йилига 7,2 млн. т. табиий ва суьултирилган газ экспорт қилади.


Дастлабки маълумотларга кўра, 2010 йилда аҳоли 1,5 миллионга ошган ва унинг оқибатида мамлакатда ишсизлар ҳамда саводсизлар сони ҳам кўпайган. Айни пайтда Мисрда ҳукумат томонидан аҳоли соғлиғини сақлаш борасида олиб борилган сайи ҳаракатларга қарамай бу соҳадаги кўрсаткичлар маълум даражада пасайган.

Ҳукумат олиб борган сиёсати натижасида Сувайш канали, нефт-газ экспорти, хизмат кўрсатиш соҳасида тушум ва хориждан соф пул ўтказиш миқдори ошган ҳамда ташқи қарз камайган. Аммо бу ҳолат аҳоли турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатмаган. Расмий маълумотларда аҳолининг йиллик даромади 2010 йилда 1045 АҚШ долл. миқдорида кўрсатилсада, амалда 300-400 АҚШ долл.ни ташкил этади.

Пировард натижада аҳолининг ҳукуматга бўлган муносабати салбий томонга ўзгара бошлаган. Ҳукумат манбаларида берилган маълумотлар воқеликдан анча йироқлиги ҳамда кўрсатилган иқтисодий ривожланиш ўрнига таназзул бўлаётгани маҳаллий аҳолида тушкунлик руҳини кучайтирмоқда.

2009/2010 йилларда “Social and Economic Development Follow-Up report for the Year (2006/2010)” маълумотларига мувофиқ иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичларини қуйидаги кўринишда қайд этиш мумкин.

- Иқтисодий ўсишнинг асосий манбаси саноат корхоналари бўлиб, уларнинг ЯИМ ўсишидаги улуши 30% ни ташкил этди;
- Қишлоқ хўжалиги ижтимоий соҳадар орасида иккинчи ўринда бўлиб ЯИМ да 13% ташкил этди;
- Қурилиш ва конструктлик ишлари 6.2% ни, қолган кўрсаткичларни қуйидаги тасвирдан яққол кўришимиз мумкин.



1.2. Миср инвестиция сиёсати ва унинг ирригация тизими ривожланишига таъсири

Миср ҳукумати мамлакат иқтисодини хорижий инвесторларга кенг очиб берди. Буни мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан ҳам билиб олиш мумкин. Инвестиция воситаларини қабул қилиш учун қулай иқлим яратилди. Қулай инвестицион иқлим ўзида қатор специфик хусусиятларни акс этииради, булар: муваффақиятга эришишда тўғридан-тўғри таъсир этиш ва инвесторларга фойда олишнинг аниқ йўллари очиқ тарзда кўрсатилиши каби омиллардир. Энг муҳим ва зарурий специфик сифатлардан бири қуйидагилар ҳисобланади:

Демократик. Бу шароитда, шу нарсаларни ўз ичига оладики, яъни инвестицион қонунлар давлат демократияси билан ҳамнафас бўлса, инвесторлар ўзларининг истикболли режа ва фаолиятларини бемалол, эркин ҳолда юритиши демакдир. Бу қабул қилинган ечим кўпчиликнинг қизиқишларига мувофиқлигини кафолатлайди ва одамларни бу қарорларга эргашишга руҳий жиҳатдан шакллантиради, уни бажаришдан қандайдир – бир йўллар қидириб қочмайди.

Ҳолатни аниқ кўриш ва режали сиёсат инвесторларга ўз фаолиятларини келажакда тўғри қарор қабул қилиш ва қутилган аниқ натижаларга эришишга мувофиқ тўғри башорат қилиш имконини беради. Охирги навбатда, инвестицияларга эҳтиёжларнинг ортиши, узоқ муддатли лойиҳаларни амалга ошириш учун аниқлаш ва бизнес соҳасида барқарор аҳволни таъминлаш.

Жамиятда адолатни таъминлаш кафолати турли хил соҳаларда банд шахслар ўртасида тенглик муносабати принципларини амалга ошириш имконини беради. Бу эса ҳар хил соҳа фаолиятларида жамғариш, хусусий шакл ва бошқариш қобилиятидан мустақил равишдаги воситаларга боғлиқ. Қонун нуқтаи назаридан миллий ва хорижий инвесторларга давлат ва

хусусий сектордаги инвестиция мунсабатларида фарқлар йўқ. Биринчи хом ашёни қабул қилиш шароитида ҳамда қўшимча зарурий ишлаб чиқариш кониятларида камситишлар бўлмайди. Бу шароитда инвесторлар энг оптимал конун ва режимларни танлаш учун ҳеч қандай вақт ва кучларни сарфлашига ҳожат қолмайди, балки максимал даражада даромад олишни таъминлайди.

Ихчамлилиқ вақтни, у ёки бу фаолият турига киришиш учун восита ва кучни ёки қандайдир ишни тамомлашни тежашга имкон беради. Бундан ташқари, у табиий ёки ўйланган тўсиқларни бартараф этиш мақсадида “эришиш” номи билан ресурсларни йўқ қилиш эмас, балки, сақлашни кафолатлайди.

Тартиб. Бошқарма ўлчовларда қабул қилинган тартиб, олдиндан ишонишган ёки бепарволик сабаблари бўйича, жамият, худди шунингдек якка даражадаги ҳеч қандай кутилмаган ҳиссиёт инвесторнинг кўнгил хотиржамлиги йўлида тўсиқлар бўлмайди, ҳамда унга қонуний кафолатланган нарсаларни олиш учун вақт ва пулни сарфлайди.

Миллий иқтисодиётга хусусий ва хорижий инвесторлар томонидан барча янги капиталларни жойлаштириш жараёни, қанчалик у иқтисодий ўсиш даражаларининг ошишига ва иқтисодий тизимларнинг шаклланиш сифатининг ўсишига бевосита таъсир кўрсатса ҳам, иқтисодни кўтаришга йўналтирилган давлат сиёсатида юксалиш аҳамиятига эга. Янги ши ўринларини яратиш ва мамлакат фуқароларининг ҳаёт даражасини ошириш тўғрисида ҳали гапирилган йўқ. Шу сабабдан давлат доимий равишда маҳаллий ва хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш учун энг қулай иқлимни таъминлашга ҳаракат қилади ва қуйидаги хусусий сектор ҳиссасини оширишни кафолатлайдиган қўшимча афзаллик ва имтиёзларни тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилади.

2009-2010 йй. да МАР ни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш режасига мувофиқ, давлат инвестицион сиёсати қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Тўғридан–тўғри маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган, информацион тарғибот ишларига киришиш. Имконият ва инвестицион лойиҳалар вариантларига эга фойдалилик даражаларининг тадқиқотларини тайёрлаш.

2. Тўғридан–тўғри инвестицияларни бошқариш муассасаларининг фаолиятларини амалга ошириш, бу муассасаларни барқарорлаштириш масалаларида етарлича ихчамлилик даражарсини, ҳамда уларнинг замонавий хизмат кўрсатиш ва информацион таъминотга йўналганлигини таъминлайди. Бундан ташқари, иктисодиёт таркибларини яратиш процедураларини соддалаштириш, уларни жаҳон стандартлари даражасида шакллантириш ҳамда инвесторларга кўрсатиладиган хизмат даражаларини оширишни қайта ишлаш.

3. Инвестиция фаолиятига таъсир этувчи, мавжуд реаллик, барча алоқадор ҳужжатлар, бир ягона “доирага” бирлаштириш қонунлари ва бошқа қонуний актларга мувофиқ доимий текширув, инвестицияни амалга ошириш дебочасида пайдо бўлиши эҳтимолли муаммоларни ҳал этиш учун инвестицион соҳада рағбат ва кафолатлар тўғрисидаги қонунларни доимий равишда кўриб чиқиш.

4. Инвестицион фаолиятларни молиялаштириш учун аниқ жамғариш даражасини доимий ошириш ҳамда мувофиқ имтиёзларни кўрсатиш билан маҳаллий ва хорижий манбаалардан фойдаланиш.

5. Кичик лойиҳаларни молиялаштириш бўйича хизматларни кўрсатишда банк сектори ролини фаоллаштириш, ҳамда уларнинг ривожланишида банк ролининг аҳамиятини ошириш ва бир вақтнинг ўзида алоқадор лойиҳаларни кредитлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун мос келувчи йўللарни қидириш.

6. Лизинг компаниялари орқали амалга ошириладиган кичик ва ўрта масштабли лойиҳаларни молиялаштириш (in-kind) ни кенгайтириш. Қизиқувчи томонлар ўртасида келишувларни ўтказиш учун доимий механизмларни қидириш ва кичик масштабли лойиҳаларни

молиялаштиришда капиталистлар хавфларини кенгайтириш ва унинг ўсишига кўмаклашиш, инвестициялар ҳажмини ошириш учун ушбу лойиҳаларнинг аҳамиятини ҳисоблаш, жамғаришни молиялаштириш ва ишсизлик даражасини пасайтириш.

2009–2010 йилда мамлакатнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиш режалари иқтисоднинг йиллик ўртача 2,6 % га ўсишини таъминлашни режалаштирди. ЯИМ ҳажмида инвестициялар 16,9 % га ошиши эътиборга олинди, 2009 йилда ЯИМ да инвестициялар ҳажми 19,8 % га етди³.

Белгилаб олинган 2002-2010 йиллардаги режа бўйича инвестициялар ҳажмини турли хил тармоқларда ошганлигини қайд этиб ўтишимиз керак.

Мавжуд ресурслардан келиб чиққан ҳолда, инвестициялар бюджет ҳажми, бешинчи беш йилик режаларда кўрилганидек, 445 млрд. Миср фунти (м.ф.) ни ташкил этди. Улардан беш йилликнинг биринчи йилида қарийиб 73 млрд. М.ф. бўлган. Кўрсатилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйидагича

**2009 – 2010 йй. да режа бўйича инвестициялар миқдори
(млрд. Миср фунти ҳисобида)**

	Беш йилликка		Беш йилликнинг биринчи йилига	
	Миқдор (млрд. Миср фунти) да	Умумий миқдордаги улуши (%) да	Миқдор (млрд. Миср фунти) да	Умумий миқдордаги улуши (%) да
Бошқарув аппарати, маҳаллий муассасалар бошқармаси ва хизмат кўрсатиш муассасалари	121.0	27.2	19.3	26.4
Иқтисодий тайинланган Ташкилотлар	42.2	9.7	6.9	9.4
1991 йил № 203 сонли Қонун регламентидан ўтмаган компаниялар	16.1	3.6	2.6	3.6
Иқтисоднинг аралаш секторлари (давлат, хусусий ва кооператив)	264.7	59.5	44.2	60.6
Жами:	445.0	100	73.0	100

Инвестиция хизматларининг молиялаштирилиши.

³ الجهاز المركزي للتعبئة العامة و الاحصاء 2010.

Мамлакатни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш режаси, асосий маҳаллий манбалардан олинган инвестицион жараёнларни таъминлаш учун воситадир. Шунингдек, тўлиқ беш йиллик режада инвестициялар билан молиялаштириш 95,3 % деб кўрсатилган, бироқ беш йилликнинг биринчи йили инвестицион молия 93 % ни ташкил этди. Бунга асосланиб, жамғарма муассасалар орқали Миллий инвестицион банк (МИБ) ресурслари зарурий маҳаллий ресурсларни таъминламоқда. Бу ресурслар корхона заёмлари (ижтимоий таъминот ва нафақа), ҳамда почта корхоналари жамғармаси. Хусусий секторни молиялаштирилишига келадиган бўлсак, унинг улуши хусусий манбалар ҳамда банк кредитлари ҳисобига амалга оширилаётган инвестицион жараёнда молиялаштирилмоқда. Мавжуд ҳолат қисман нефт соҳаси ва тўғридан–тўғри хорижий инвестицияларда хорижий ҳамкорлар улушига тегишли эмас. Сиёсат, тўлиғича миллий иқтисодиёт даражасининг барқарорлигини кўтаришга йўналтирилган ҳамда сиёсат хусусий секторга капитал жойлаштиришни кенгайтириш қобилятида қабул қилинадиган турли хил соҳаларни барқарорлаштириш, ўз навбатида иқтисодий ривожланиш вазифаларини бажаришни таъминлайди.

Истиқболли соҳаларни инвестициялаш. Тўлиғича ижтимоий–иқтисодий ривожланишнинг бешинчи беш йиллик режасида инвестициялар миқдорини аниқлаш ва ушбу режада қуйидаги қатор салоҳиятли соҳалар асосида амалга оширилди:

Мавжуд истиқболли соҳалар, ишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаш мақсадида маълум лойиҳаларни алмаштириш доирасида бажаришни ўз ичига олади. Уларга 14,7 % инвестициялар ажратилган. Тугалланиши бошланган лойиҳаларга умумий инвестициялар ҳажмидан 28 % ажратилди. Ўз навбатида асосан қишлоқ жойларда, мактаблар, коммунал хўжалик ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги объектларнинг лойиҳаларини кенгайтириш бўйича зарурий ишларни ўтказишга ва янги лойиҳаларни амалга оширишга 57,2 % инвестициялар йўналтирилди.

Иқтисодиёт соҳалари бўйича инвестицияларнинг тақсимланиши, бешинчи беш йиллик режаларида маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаларига энг кўп инвестиция ҳажми (209 млрд. м.ф. ёки умумий инвестициялар миқдорининг 47 %) ни йўналтириш кўриб ўтилган. Бу суммадан 33.7 млрд М.ф. (46 %) беш йилликнинг биринчи йили мобайнига бағишланган. Ишлаб чиқариш соҳалари бўйича инвестицияларнинг тақсимланиши қуйидагича режалаштирилган.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳалари	Тўлиқ беш йилликда		Беш йилликнинг биринчи йили	
	Миқдор (млрд. миср фунти) да	Умумий миқдордаги улуши (%) да	Миқдор (млрд. миср фунти) да	Умумий миқдордаги улуши (%) да
Қишлоқ хўжалик ва суғориш	58.9	13.2	10.0	13.7
Саноат шу билан бирга металлургия	60.9	13.7	9.4	12.8
Нефт саноати	40.9	9.2	8.5	11.7
Электрэнергия	32.8	7.4	3.7	5.0
Бошқа қатор ишлар	15.5	3.5	2.1	2.9
Жами:	209.0	47.0	33.7	46.1

Юқоридаги жадвалдан шу нарса маълум бўладики, ҳукумат инвестицион воситаларнинг энг катта қисмини, саноатга йўналтирган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, иқтисодий соҳаларни инвестициялаш учун қаратган. Бу ЯИМ ҳажмини кўтаришга режалаштирилган иқтисодиёт соҳалари ҳисобланиб, ишлаб чиқариш саноат миқдорининг ўсиш даражаларини ошириш мақсадида қилинади. Кейингиси ишлаб чиқариш хусусиятига алоқадор соҳаларга берилади. Унда барча беш йиллик режа мобайнида 96,1 млрд. М.ф. ва режанинг биринчи йилига 14,5 млрд. М.ф. ни жойлаштириш режалаштирилган. Бу эса умумий инвестициялар миқдорининг 21,6 % ва 19,9 % мувофиқликни ташкил этади. Таъкидланган инвестицияларнинг соҳалар бўйича тақсимланиши қуйидагичадир.

Хизмат кўрсатишли ишлаб чиқариш хусусиятига алоқадор соҳалар бўйича инвестицияларнинг тақсимланиши

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларидаги хизмат кўрсатиш	Тўлиқ беш йилликда		Беш йилликнинг биринчи йили	
	Микдор (млрд. миср фунти) да	Умумий микдордаги улуши (%) да	Микдор (млрд. миср фунти) да	Умумий микдордаги улуши (%) да
Транспорт, алоқа ва Сувайш канали	58.2	13.1	10.34	14.2
Савдо, молиялар, ижтимоий таъминот	15.7	3.5	1.8	2.5
Туризм	22.2	5.0	2.34	3.2
Жами:	96.1	21.6	14.5	19.9

Бу гуруҳда кўпроқ инвестициялар транспорт ва алоқа соҳаларига йўналтирилган. Чунки жадаллик билан ўсувчи транспорт, худди шунингдек, сув йўли ва радио алоқа хизматларининг эҳтиёжларини таъминлаш керак. Шу борада хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон стандартлари даражасида мувофиқлаштириш лозим. Инвестициялар ҳажми, ижтимоий соҳаларнинг ривожини таъминлаш билан боғлиқ соҳалар учун ажратилган сармоялар 139,9 млрд М.ф. ни ташкил этди, 2010 йилда 24,8 млрд. М.ф. бўлган⁴.

Миср ҳукумати истиқболда ирригация тизимини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Айниқса, бу соҳада хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштироки қўллаб-қувватламоқда.

Тошқа лойиҳасидаги ишлар Миср ҳукумати томонидан жиддий назорат қилинаётгани унга собиқ президент Муҳаммад Хусни Муборакнинг алоҳида эътибори қаратилгани билан ҳам тушунтирилади. Жумладан, президент Муборак Тошқа лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари бошланганидан бери минтақага тўққиз марта сафар қилган.

1982/1983 - 2009/2010 йиллар оралиғида ирригация соҳасидаги умумий инвестициялар ҳажми 29 млрд.МФ. ташкил этди. 2009-2010 йилларда ушбу соҳадаги бевосита жами инвестициялар микдори 4 млрд.МФ. ташкил этди. 2012 йилгача 10 млрд.МФ. микдоридаги инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган.

⁴ Egypt in Figures 2010.

II БОБ. ЯҚИН ШАРҚ ВА ШИМОЛИЙ АФРИКАДА СУВ МУАММОСИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. Яқин Шарқ ва Африкада сув ресурслари муаммолари

Сув ресурслари муаммоси ҳар йили катта аҳамият касб этиб келаётганлиги ҳақида кўплаб олимлар ва сиёсатчилар истикболда ушбу стратегик ресурсларга эгалик ҳуқуқи, ҳал этиб бўлмас низолар келтириб чиқариши мумкинлиги тўғрисида гапиришмоқда. Дарҳақиқат, Яқин Шарқ минтақаси ва Африка аҳолиси шиддат билан ўсаётган бўлса, сув манбалари эса деярли тезликда йўқолиб бормоқда. Қуриб бораётган иқлим, назорат қилиб бўлмас аҳоли ўсиши ва бошқа омиллар амалда сувни ХХІ асрнинг “кўринмас олтини” га айлантирди.

Бунга турли халқаро ташкилотлар нашр этаётган кенг қамровли статистикасини мисол сифатида келтириш мумкин. 2010 йил август ойида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) ва БМТнинг Ёшлар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорликда нашр этган маълумотларга мувофиқ бир миллиондан ортиқроқ киши ҳалигача хавфли ичимлик суви манбаларидан фойдаланишмоқда. Нисбатан бу хавф, ривожланаётган давлатларда, айниқса Африканинг суб-Саҳара ҳудудида қайд этилган. Африка банки мутахассислари Африка қишлоқ аҳолисининг сув таъминотини 2015 йилгача кординал равишда кучайтириш учун 10 млрд.АҚШ.долл.дан кам бўлмаган инвестициялар зарур бўлишини таъкидлашмоқда. Бу ҳолатда 80% африкаликлар тоза ичимлик сувидан фойдаланиши, худди шу миқдордаги инвестициялар 2025 йилгача фойдаланилса, Қора қитъанинг барча аҳолиси ичимлик сувидан баҳра олиши мумкин.

Қатор Европа ташкилотлари маълумотларига мувофиқ, жаҳонда йилига 5 млн.дан ортиқ киши ифлос ва зарарланган ичимлик суви истеъмоли натижасида орттирилган касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмар экан. Ҳозирги

вақтда дунёдаги 31 та давлатнинг 1 млрд.дан ортиқ кишиси тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Дунёда ҳар 8 сонияда яроқсиз ичимлик сувини истеъмол қилган чақалоқ вафот этмоқда. Шунинг учун бу, жаҳонда инсон ҳақ-ҳуқуқларининг бузилишига яққол мисол ҳисобланади. Агар Шимолий Америкада ҳар бир киши йилига 1700 куб. метр сув истеъмол қилса, бу ҳолат Африкада бор-йўғи 250 куб. метрни ташкил этади. Охирги 50 йилда Африка давлатларидаги сув манбалари тўртдан уч қисмга, Осиёда эса учдан икки қисмга қисқарган. Африкадаги ичимлик сувини қитъа аҳолисининг фақатгина 60% ичишади. Ушбу аҳоли ёмон сув билан боғлиқ касалликлардан азият чекишмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг баҳолашларича 2025-2035 йилларда ер шаридаги аҳолининг сони 8 млрд. кишини ташкил этса, у ҳолда умумий аҳолининг 3,4 млрд. кишиси тоза ичимлик сувига имконият топа олишар экан. Қолган қисми ичимлик сувига эҳтиёж сезишда давом этади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра йилига 180 млрд.АҚШ.долл. миқдоридаги суммани ўн йил давомида маблағ сифатида ажратилсагина ер шарининг барча аҳолисини яроқли тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари ҳал этилар экан.

Осиё ва Африка давлатларидаги сув муаммоси нисбатан муҳим муаммо ҳисобланган озиқ-овқат билан чамбарчас боғлиқдир. Араб давлатлари йилига 50 млрд.АҚШ.долл. маблағни фақатгина қишлоқ хўжалигини суғоришга сарфлайди. Миср сув ресурслари вазири Маҳмуд Абу Зайд 2025 йилга келиб араб давлатларининг 90%ини “сув ресурсларига қашшоқ” мамлакатлар деб қайд этиш мумкин деган фикрни билдирди. Аммо буни бартараф этиш учун сувдан фойдаланишнинг ягона араб стратегиясини ишлаб чиқиш зарур.

Нефт қазиб чиқарувчи бой араб мамлакатларида тўғри, аммо кўп харажатли бўлган денгиз сувини чучуклаштиришга йилига миллиардлаб долларларни ажратишмоқда. Бир қанча маълумотлар бўйича араб давлатлари ҳозирнинг ўзида сув истеъмолининг тахминан 70% дан фойдаланиш

имкониятига эга бўлишади. Бироқ Осиё ва Африканинг кўплаб давлатлари ҳукуматлари бундай харажатларни амалга оширишга қодир эмас.

Қийинлашиб бораётган вазиятда хусусий кучлар ҳамда халқаро ташкилотлар кўмагига таянилади, ёхуд уларнинг фаол ҳомийлик ёрдами эвазига аҳолини сув билан таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Яқинда БМТнинг нашр этган маълумотларига мувофиқ Миср, ушбу ташкилот томонидан қўйилган муддат - 2015 йилгача мамлакат аҳолисининг барча қисмини тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўлидаги фаолиятлари бўйича етакчилик қилаётган давлат сифатида қайд этилган. Ҳозирги вақтда 98% мисрликлар сув билан таъминланган. Бироқ ушбу келтирилган рақамлар яширин хавфни келтириб чиқармоқда. Деярли, мамлакат собиқ президенти Хусни Муборакнинг ҳар чиқишларида тўхтатиб бўлмас демографик ўсиш ҳолатида, сув ресурсларининг етишмас муаммолари, бу – асосий миллий муаммо сифатида характерланишини таъкидламоқда.

Муаммони ҳал етиш учун мамлакатдаги барча имкониятлардан фойдаланиш зарур. Бу билан боғлиқ Миср олдида тез суръатларда ўсувчи аҳоли ҳолатида қўшимча сув манбаларини қидириш бўйича жиддий вазифалар туради. Прогнозларга кўра 2025 йилга келиб Миср аҳолиси 100 млн. кишидан ошиши тахмин этилган.

Мамлакатни Нил сувлари билан таъминлаш муаммоси Миср ташқи иқтисодий сиёсатининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Муаммо миллий хавфсизлик билан боғлиқ. Шунга қарамай Миср Нилнинг қуйи оқимида жойлашган, бу эса мамлакатда йирик Африка дарёсининг юқори оқимидаги давлатлар билан ҳисоблашишни талаб этади. Қатор Африка давлатлари 1959 йил Миср ва Судан ўртасида имзоланган Нил дарёси сувларини тақсимлаш бўйича шартномани қайта кўриб чиқишни талаб этишмоқда. Уларнинг фикрича, Шартнома “Қора қитъа”нинг ҳозирги иқтисодий ва демографик ҳақиқатларини ифода этмайдиган ҳамда Қоҳира ва Хартум ҳукуқларини ушбу Африка дарёси ресурсларидан фойдаланишига имтиёз бермайдиган эскирган бир ҳужжат деб ҳисоблашмоқда. Унга

мувофиқ Миср йилига ундан 55.5 млрд.куб.сув, Судан 18.5 млрд.куб.сув ресурсларидан фойдаланишади. Бу ерда яна қўшимча равишда айтиш мумкинки, Нил ҳавзаси давлатларида 160 млн.киши ҳаёт кечирази ва уларнинг сони йилига 2.5 млн.га ошмоқда⁵.

Шу билан биргаликда Нил ҳавзасидаги давлатлар (айниқса Эфиопия) сувдан фойдаланиш квотаси қониқтирмаётганлиги ва минтақа келишуви саналган 1959 йилги Миср-Судан шартномасини қайта кўриб чиқишни талаб қилиб, тез-тез баёнот бермоқда. Унинг кўриб чиқиши ва ушбу йирик Африка дарёси ҳавзасидаги 10 та иштирокчи давлатларнинг янги халқаро шартномани имзолашлари Миср сув квотасининг пасайишига олиб келиши мумкин. Расмий Қоҳира, қўшни давлатларнинг даврий талабаларидан ғазабланаётганлигини яширмапти. Ўз вақтида юқори Асуан плотинаси ижрочи директори Муҳаммад ал-Амир Усмон “1959 йилги шартномани бузиш чегараларимизни бузиш билан баробар” деб таъкидлади.

Бироқ Қоҳира, истагига қарамай Нилнинг юқори оқимидаги давлатлар фойдасига ўзининг сув квоталарини қисқартириш ҳақида муҳокамалар олиб борди. Бу борада Миср, миллий хавфсизликка таҳдид қилмайдиган келишувларга рози. Шу маънода Нил дарёси сув ресурсларини адолатли тақсимлаш Миср учун мавжуд муаммони ҳал этишдаги муҳим саналган дипломатик йўл бўлиб ҳисобланади. Бу, мамлакатга, гидроэнергетика соҳасидаги кўп йиллар мобайнида тўпланган калоссал тажриба, соҳада ҳамкорликдаги лойиҳаларда иштирок этиш ва истиқболда ўзаро манфаатли саналган ҳамда Африка қитъасидаги Мисрнинг қўшнилари билан мунозарали келишмовчиликларга чек қўйишга имконият беради.

Умуман олганда шуни айтиш мумкинки, Миср ва Судан “сув масаласи”да биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олишди. 2004 йил июлда расмий Хартум, Судан ва Миср ўртасида Нил дарёси сув ресурсларини тақсимлаш масалаларида ўзаро тушуниш мавжуд деб таъкидлади. Миср ва Судан Нил чегараларида қайсидир бир давлатнинг ишларига дарё сувларидан

5. جريدة الاهرام. مقالة "مشاكل الرى فى مصر" للدكتور على سلامة. 2006.11.2.

фойдаланиш билан боғлиқ масалаларда аралашмаслик ҳақида ўзларининг баёнотларини беришди. Бу икки давлатнинг сув квоталарини қанчалаик даражада қисқариши билан боғлиқ масаладир. Ўз навбатида МАР мудофаа ва миллий хавфсизлик масалалари бўйича Халқ кенгаши комитети Исроилнинг “АҚШ ва Жаҳон банкининг инвестицион қўллаб-қувватлаши остида Уганда ва Эфиопияда плотина каскадини юзага келтириш орқали Нил ресурсларига чиқиш” ҳаракатларига қарши фаол чоралар кўришга чақиради.

Исроилнинг “сув харитаси” араб давлатлари учун алоҳида тузилган деб айтиш мумкин. Асосий сабаблардан бири шундаки, Тел-Авив 1967 йилда Суриядан оккупация натижасида тортиб олган Жўлан (Голан) тепаликларини қайтармаслиги омили, ҳозирда Исроил, Сурия, Ливан, Иордания мамлакатлари фойдаланётган сув ресурслари айнан ўша ҳудуддан бошланадиган дарёлар эвазига эканлиги ҳамда у ер, сув ресурсларига бой ҳудуд ҳисобланишидир. 2002 йил кузда Исроил ҳукумати Ливандан Вазан дарёси чегарасида сув йиғувчи станцияни ким учун очганлигини рўқач қилиб кўрсатиши оқибатида Ливан-Исроил чегараларида Исроил Байрутга ҳарбий таҳдидлар солди, бироқ қуролли низолар бартараф этилди.

Ундан ташқари Исроил ҳудудининг 60%ни Негев саҳролари ташкил этиб, ўз-ўзидан араблардан сув сотиб ололмайди (масалан Мисрдан), бироқ тартибга солилмаган Яқин Шарқ низолари ва араб-исроил ҳамкорлик кўлами амалда барча йўналишларда ўхшаш лойиҳаларнинг вужудга келишига шубҳа уйғотади. 2003 йил июн ойида Бутунжаҳон иқтисодий форумида Иордания ва Исроил ўртасида Қизил денгиздан Ўлик денгизга сув каналини қуриш тўғрисида шартнома қилинган, бироқ ҳанузгача ниҳоясини топмаётган лойиҳа айнан ўша “шубҳа”га яққол мисол бўла олади.

Араб давлатларида қийинлашиб бораётган вазиятда, минтақада етишмовчи сув ресурслари муаммоларини ҳал этиш учун зарурий консолидацияни кучайиши тўғрисида гаирилмоқда. Янги технологияларни жорий этиш муаммолари ва чучук сувни йиғиш, янги сув ресурсларини қидириб топиш ҳамда чўллашишга қарши курашиш масалалари билан

шуғулланувчи Араб сув кенгаши, (2010 йил Қоҳирада бўлиб ўтган конференцияда ташкил этилган) сув билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишга қаратилган кенгаш ҳисобланади. Унда қабул қилинган “Араб сув ресурслари ҳақида Қоҳира декларация”си ҳозирги кунда сув ресурсларининг 65% хорижга йўналтирилишининг олдини олиш ва бу борада ягона стратегия ишлаб чиқиш масалаларини қамраб олади. Ушбу лойиҳадаги фаол ҳаракатларни Миср амалга оширмоқда. Истикболда араб оламида сув муомомларини бартараф этиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилади. Ва бу фаолиятлар натижасида минтақа сув манбалари билан таъминланади.

2.2. Миср сув таъминоти муаммолари ҳал этилишининг глобал аҳамияти ва истикболлари

Нил ўзининг минг йиллик тошқинлари ва қирғоқларида тўпланиб озуқавий қатламини бойитиб келаётган дарё бўлиб, Миср аҳолисини сув билан таъминламоқда. Ҳосил йилида Миср иқтисоди тарихида Нил аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаб қолмасдан қўшни давлатларнинг ҳам эҳтиёжларини қоплаган. Бу ҳолат ҳозирги кун учун ҳам характерлидир. ХХI аср бошларида мамлакат Усманийлар халифалиги провинцияси даврида 5 млн.лик аҳоли ва бой табиий шароит ҳолатида озиқ-овқат экспорти билан етарли равишда таъминлаган.

Миср қишлоқ хўжалигида сув ва ер ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш йўналишидаги ниҳоятда улкан ва энг аввало охирги қадам ўтган асрнинг 60-йилларида юқори Асуан плотинасининг қурилиши ҳисобланади. Плотина йилда икки маротаба ҳосил олиш имконини беради. Бу ўринда Миср аҳолисини 50-йилларда 30 млн.лик шиддатли ўсишини ҳозирга келиб 80 млн.га ошиб кетганлиги билан қайд этиш мумкин. Бу билан бирга озиқ-овқатга талаб ҳам ўсмоқда. Қуруқ иқлим шароитида Мисрда аграр ишлаб чиқариш фақатгина суғоришда имкониятлидир, шунинг учун ҳам сувдан фойдаланиш айнан мана шу мақсадда унинг улушини ошириб юбормоқда.

Мисрда техник эҳтиёжлар учун сув ва ичимлик суви билан таъминлаш Немис техник ҳамкорлик жамиятининг Қоҳира бюроси (Deutsche Gesellschaft Suer Technische Zusammenarbeit, қисқартмаси GTZ) ҳамкори қишқ хўжалик соҳаси бўйича эксперт Паул Вебер (Paul G.Weber) тез ўсувчи аҳолини ҳатто етарли шароитлар билан таъминлаш катта хавф остида деб ҳисобламоқда. Бунда у барча аҳолини энг биринчи ўринда фермерларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ равишда таъминлашга кетадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари салмоғини етиштиришда сунъий суғориш иншоотлари билан таъминланган ҳолатда ҳам сув ресурслари етишмайди деб баёнот берди.

Миср ҳудуди қулай жўғрофий шароитда жойлашган. Ирригация соҳасидаги Немис мутахассислари мамлакатни Нил қуйи оқимида жойлашганлиги ҳамда сув манбаларини насослар ёрдамида тортиб олиш дарёнинг 60 млрд.куб.м.лик умумий оқими катта имконият беради деб таъкидлашган.

2010 йилда Сув ресурслари ва суғориш вазирлиги маълумотларига кўра Мирснинг дарё ҳавзасидаги улушидан фойдаланиш аҳолининг ҳар бир кишисига 1.2 млн.куб.м. сув тўғри келган. Шу билан бирга шаҳарлар ва саноат районларини таъминлашга 14% ва 20% денгиз сувлари кетган, унинг қолган 66% и суғориш ишларига сарфланган. Мисрда қишлоқ хўжалик ўсимликларига ажратилган ҳудуд 3,1 млн.га. бўлиб, йилига унга 58 млрд.куб.м. сув талаб этилади, шундан бевосита ишлаб чиқариш фаолиятига 38 млрд.куб.м сув кетади. Қолган миқдори қисман парланиб ва ер қатламига сингиб кетади. Бироқ умумжаҳон кўрсаткичлари билан таққосланганда, ишлатиладиган сувнинг фойдали коэффициенти суғориш тизимлари учун юқори ҳисобланади. П. Вебер сув ҳаражатларининг минтақавий жиҳати, Яман аҳолисининг ҳар бир кишисига 234 куб.м. сув кетиши ёки Иордания (180 куб.м.) билан таққосланганда Мисрда бу миқдор паст эмаслигини билиш мумкин, бироқ Сурия, Ливан ва Марокашда йилига ҳар бир киши учун 1 минг куб.м. сув сарфланади, ваҳоланки амалда минтақа давлатларининг

иқлим шароитлари бир хилдир. Бунда Мисрда ичимлик сув баҳоси GTZ⁶ маълумотларига биноан рекорд даражадаги паст кўрсаткич ҳисобланади, у 1 куб.м. ўртача 0.03 еврони ташкил этади, Сурияда бу кўрсаткич 0.13 евро, Иордания ва Тунисда 0.31, Марокашда 0.57 евродир.

Мавжуд сув ресурсларининг тақсимоти, қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш учун идеал вариант сифатида ундан бир неча мартаба фойдаланишга етмайди. Айниқса бу чўл зоналарга тааллуқлидир. Шунинг учун Мисрнинг иқтисодчи-аграномлари муаммони ечишга ёндашувларини яна бир бор кўриб чиқишлари зарур. Миллий эволюцион режалаштириш, мавжуд сув ресурсларидан оптимал равишда фойдаланиш ва тақсимлаш доирасида ер борасидаги дастурларини амага оширишга йўналтирилиши зарур.

Сув ресурслари ва суғориш ҳамда қишлоқ хўжалиги вазирликларининг фаолиятларида собиқ президент Муборак аграр ва сув сиёсатидаги парадигмаларнинг ўзгаришини барқарорлаштириш заруриятида учта йўналишни тасдиқлади.

Биринчи, суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сув ресурсларидан рационал фойдаланиш, деҳқонларни сувдан фойдаланишини консультацияларга мувофиқ олиб бориш.

Иккинчи, ҳосилдор ерлардан самарали фойдаланиш.

Учинчи, истиқболдаги аграр ривожланиш учун реал аҳамиятли стратегияларни лойиҳалаштириш.

Барча учта йўналиш минимал сувдан фойдаланган ҳолда максимал даражада маҳсулот яратишни қамраб олувчи бош ғоя бўлади. Бу миллий суғориш тизимларини бошқаришда ўзгаришлар, суғориш инфратузилмаларини қайта монтаж қилиш, молиявий муаммоларда компетенциялар, сув хизматларини оптимизациялаш бевосита қишлоқ

⁶ Deutsche Gesellschaft Suer Technische Zusammenar beit нинг қисқартмаси.

хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва мутахассисларининг юқори координациясини кучайтириш ва самаралироқ лойиҳалаштириш асосида таркибий ресурслардан фойдаланиш принципларини амалга оширишни англатади.

Бунинг учун революцион шаклланиш қийинлашиб бораётган вазиятни ифодалаши зарур. Учта йўналишнинг аҳамияти айнан шудир. Сув харажатларининг юқорилиги оқибатида аграр ишлаб чиқаришни амалга ошириш режасида истикболда сувдан фойдаланишни ошириш ҳақида гапириш қийин. Бунинг учун истикболда озиқ-овқатни қўшимча олиб кириш тенденцияси сақланади. Деярли минтақанинг барча давлатлари, Миср ҳалигача ўзини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга эриша олмайди.

Деҳқончиликда ҳеч қачон пухта ўйланмаган лойиҳаларга қарамай, ҳақиқатда ўтган жорий ўн йилликда суғориладиган майдонлар ўйланганидек кенгаймади. Агар кенгайиш амалга ошганда ҳаддан ташқари чегараланарди. Бу ҳолатда катта майдонлар фойдаланишсиз қоларди.

Бу ҳол турли сабабларга кўра юз берди, жумладан деҳқончиликка интенсив киришга бўлган замонавий тенденциялар соддалаштирилди. Ёш деҳқонларни Нил водийсидан кўчириб ўтиш ғояси муваффақият келтирмади, бунга, нисбатан жиддий қаршиликлар йирик аграр тижорат корхоналари таъсисчилари ва ташкилотчилари сифатида намоён бўлди.

Бир вақтнинг ўзида шаҳар ва қишлоқларнинг кўчирилиши авж олиб кетиши деярли майдонларнинг 10%га қисқаришига олиб келди.

Ҳосилдорликнинг интенсивлиги ҳам турлича. Жумладан қумли ва чўлли ерлардан йилда бир маротаба ҳосил олиш мумкин. Чўкинди ерларда йилда икки маротаба ҳосил олиш имконияти мавжуд, бу борада Мисрни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жаҳон рекордларини олган давлатлар қаторига киритиш мумкин.

Умуман муаммолар юқори ҳосилдорли минтақаларда ҳам мавжуд.

Биринчидан, уни юқори агротехник машғулотлар кўмаги билан таъминлаш зарур. Иккинчидан, бу минтақадаги кўп асосий ўсимликлар шакаркамиш ва гуруч ҳисобланиб, уларни етиштириш катта кўламли сув манбаларини талаб этади.

Шакарнинг ишлаб чиқарилиши Мисрни унинг импортига бўлган муҳтожлигини йўқотди, гуруч ишлаб чиқарилиши бир қатор қулай иқлим шароитлари туфайли ушбу маҳсулотни ҳатто экспортга чиқаришга олиб келди. Гуруч маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш ҳажми деярли 500 минг т.ни ташкил этмоқда. Бироқ Мисрнинг гуруч экспорти Нил сувларидан ҳаддан зиёд кўп фойдаланишига олиб келмоқда. 1 кг гуруч етиштириш учун Мисрнинг бундай куруқ ва иссиқ иқлим шароитида тахминан 2 минг литр сув сарфланади. 0.5 млн.т. гуруч экспорти 1 млрд.куб.м. сув истеъмолини талаб этади. Албатта бундай катта ҳажмли харажатларни олиб бориш мамлакат учун қийин вазиятларни келтириб чиқариши мумкин, бу ҳолда П.Вернер, мувофиқ равишда гуруч ўрнини босувчи эквивалент озиқ-овқат манбаларини қидириш лозим деб таъкидлади. Ушбу манбалардан бири туризм соҳаси бўлиши мумкин. Бу, нисбатан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари импортига бўлган тез ўсувчи талабни молиялаштирувчи манба сифатида қаралади.

Бироқ реал вазиятдан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак Миср аҳолисининг деярли ярми учун ҳаёт асоси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сув хўжалиги сиёсатидаги эволюцион қайта шаклланиш амалда 20 млн.лик деҳқонларга иқтисодиётнинг бошқа секторларига ўтиб кетиш имконияти йўқлиги учун катта қизиқиш уйғотади.

Ҳозирда соҳада бошланган таркибий ўзгаришлар оқибатлари қишлоқ аҳолисининг ҳаёт шароитларини қийинлаштирмоқда. Қисман, ерсиз ижарачилар ер ислохотлари олиб борилишида бир қанча шароитларнинг бекор қилиниши натижасида уларнинг аҳволи ёмонлашди. Эслатиб ўтамизки, ҳукумат етарли қулай шароитларда ерсиз ижарачиларга ердан 40 йилдан

кўпроқ вақтгача фойдаланиш ҳуқуқларини беришган эди. Амалда 1 млн. оилалар бундай имкониятларни йўқотишди ва истикболда ер эгаларига қарам бўлиб қолмаслик учун шаҳарларга иш қидириб чиқиб кетишмоқда.

Бошқа томондан аграр ишлаб чиқариш интенсивлашди. Шунинг учун кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш харажатлари унчалик юқори эмас, гарчи кўшни араб давлатларига гуруч ва Европа бозорлари учун пиёз ва картошка маҳсулотларининг сифати юқори бўлса ҳам. Шунга қарамай Миср тахминан буғдой, ўсимлик ёғи ва гўшт маҳсулотларининг ярмини импорт қилиш керак.

Бу соҳада Миср учун икки вазият ҳосилдир. Бир томондан у на сув инқирози ва на озиқ-овқат инқирозига учрайди. Бошқа томондан, мамлакат, шубҳасиз озиқ-овқат маҳсулотлари импортига қарамлигининг ўсиш хавфи остида турибди. Бу, қатор оқибатларни кўзда тутмоқда. Жумладан, аниқланган ижтимоий босимлар, ресурслар ва қулай шароитларга чиқишнинг тенгсизлиги ҳамда ушлаб бўлмас аҳоли ўсиши. Ер майдонларнинг йўқотилиши кишлоқ хўжалик соҳасида ишловчилар сонининг қисқариши ва аҳоли деҳқончилигининг ҳаёт асослари ёмонлашувини келтириб чиқаради.

Ижтимоий қолоқликни пасайтириш учун ҳозирда халқаро ташкилотларнинг фаолиятлари остида Миср ва ГФРнинг қатор муассасалари муаммоларни ҳал этиш бўйича йирик дастурларни қабул қилди. Унинг ишлаб чиқарилишида, қисман, Миср кишлоқ хўжалиги ва сув ресурслари ва суғориш вазирлиги, Corniche El Nil, Water Treatment Plant-Rod el Farag, Holding Company for Water and Wasterwater (HCWW), Egyptian Environmental affairs Agency (EEAA), National Organization for Potable Water and Sanitary Drainage (NOPWASD) фирмалари иштирок этишди. Немис ташкилотлари таъсисчилари ва тадқиқотчилари Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича федерал агентлиги Bundesagentur fuer Auenwirtschaft (bfai), Немис-араб саноат ва савдо палатаси Deutsch-Arabische Industrie und Handelskammer ва GTZ ларга катта ёрдам кўрсатдилар.

Бу дастур П.Вебер таъкидлаганидек, Халқаро тикланиш ва ривожланиш банки, Европа ҳамжамияти ҳамда Немис-Миср ҳамкорлик истиқболлари талабларига мувофиқ келади. Шунинг учун унинг амалга оширилиши, турли даражадаги эволюцион лойиҳалар учун муҳим ҳисобланади. Шу маънода Миср қишлоқ инфратузилмаларининг модернизациялашуви бошлиқ ва ўсиб келаётган кадрлар Сув ресурслари ва суғориш вазирлиги ходимлари, Қишлоқ хўжалик вазирлиги маслаҳатчиларининг малакасини ўзгартирмоқда.

Бу тадбир сувдан фойдаланувчи деҳқонлар ташкилотини ва кўплаб ер ижарачилари учун тенг турли хизматлар кўрсатиш айниқса динамик ўзгарувчи қишлоқ аҳолиси шароитларини мусаҳкамлашга имконият яратади. Мамлакатда белгиланган майдонлар учун аниқ равишда қанча миқдорда сув ресурслари кераклиги илмий жиҳатдан асосланган ишлар кузатилмоқда.

Немис ҳамкорлари билан қабул қилинган дастурлар доирасида ҳозирда истиқболли йўналишлар қайд этилмоқда. Улардан бири – иссиқ ойларда сувларнинг сабабсиз парланиб кетиш олдини олиш мақсадида қўшимча ирригацион каналлар очишдир. Янги суғориш тизимларига мувофиқ 420 млн.долл.га баҳоланган лойиҳа йўқотилаётган сувни минимум даражага туширишга олиб келиши мумкин. Лойиҳанинг биринчи фазаси сув қувурлари ва насос станциялар қурилишини ўз ичига олиб тахминан 38 минг га. ерни қамраб олади. Навбатдаги фаза ҳам 80 минг га. ерни сув билан таъминлашни ташкил этади. Шу маънода Қоҳирадан шимолга 60 км майдонларни сув билан таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бир вақтнинг ўзида Нил сувларидан фойдаланиш жараёнларини давом эттириш ҳисобланган сувдан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар ҳам ҳал этилмоқда. Миср аҳолиси ўсиши ва мамлакатда урбанизациялашувнинг жадаллашуви қувур чиқиндилари билан боғлиқ технологияларга талабнинг ошишишга олиб келмоқда. Бу масалада Германия Мисрда фойдаланса бўладиган кўп йиллик тажриба орттирган.

Bfai нинг етакчи мутахассиси Катрин Роде (Katrin Rohde) 2015 йилгача ушбу соҳадаги талаб йилига тахминан 10% га ўсади деб айтмоқда. Бирок талаб ундан ҳам юқори бўлиши мумкин. Шунга қарамай сувнинг катта ҳажми қишлоқ хўжалиги учун етарли ҳисобланади. Қувур тизимларидаги чиқиндиларни утилизациясининг 11% и қишлоққа тўғри келади. У ердаги вазиятнинг яхши тарафи аҳолининг 95% ичимлик суви билан таъминланган. Миср бу борадаги ислохотларини 2004 йилдагина бошлаган. Ва тезликда чиқиндиларни утилизациялаш жумладан қувурлар масаласида биринчи ўринга чиқиб олди. Секторда инвестициялар миқдори ўсмоқда, бу эса ўз навбатида миллатнинг энг аввало қишлоқ аҳолиси соғлиғини оширади.

Охирги вақтларда Африканинг йирик дарёси Нил сувларини тақсимлаш муаммоси қийинлашиб бормоқда. Биринчи навбатда, у дарё ҳавзасидаги йирик ва нисбатан динамик ривожланаётган Мисрга таъсир этмоқда. Замонавий Миср деярли тўлиқ равишда Нил сувига тобе, маълумки, Нил сувларининг 95% и улкан дарё ҳавзасидаги Судан, Эфиопия, Кенин, Уганда, Руанда, Бурунди Танзания ва Конго Демократик Республикаси (КДР), Эритрея давлатларидан оқиб ўтади. МАРнинг айнан ўзи умумий аҳолиси 300 млн.дан ошиқ бўлган 10 та давлатдан иборат занжир бўғинларининг охиргиси ҳисобланади. Бироқ сув таъминоти муаммосининг ўзи нисбатан кучли ва тугалланган шакл ҳисобланади. Нил Миср учун – бош ҳаёт артериясидир. Дарё юқорисидаги воқеалар МАРда улкан қизиқиш деб эмас балки, тўлиқ ҳолатдаги жиддий ҳавотирлар комплексидир.

Бир вақтнинг ўзида қайд этиш керакки, аҳолининг тез ўсиши ва дарё ҳавзасидаги бошқа давлатлар иқтисодий манфаатлари, биринчи навбатда Эфиопия ва Судан қолган барча давлатларга қараганда кўп сув массасини талаб этади. Нил ҳавзасидаги давлатлар турли мақсадларда дарё суви ва уларнинг оқимларидан фойдаланишдан манфаатдордирлар. Бу мақсадлар ирригация, электроэнергияни ишлаб чиқариш, балиқчилик, кемасозлик, туризм ва бошқалар учун қаратилади.

Бугунги кунда Нил сувларининг асосий улушини Миср ва Судан истеъмол қилишмоқда. Бу борада Миср Нил водийсида ҳаёт кечираётган 98% аҳолини нисбатан чучук сув билан тўлиқ таъминламоқда. Ҳозирги кунда мамлакатда истеъмол қилинаётган чучук сувларнинг 85% и дарёга тўғри келмоқда, қолган қисми грунт сувлари, суғориш ва қувурлардаги сувларни тозалашдан сўнгги дренаж сувларни қайта ишлатилганлар бермоқда. Денгиз орти ҳудудларда энг кўп тарқалган денгиз сувларини чучуклаштириш ташкил этмоқда. Ҳозирги вақтда Миср учун Нилнинг реал муқобили йўқ ва истикболда кўрилмаяпти.

Мисрнинг сув истеъмоли доимий ўсишда давом этмоқда. 2001 йилда МАР 62.33 млрд.куб.метр сув истеъмол қилган, шундан 55.5 млрд.и Нил дарёсидан. Ҳисобларга кўра 2010 йилда сувга бўлган мамлакат талаби 30% га ошган. Аянчли жиҳати йилига аҳоли жон бошига 1 млн.куб.м. сув истеъмоли ташкил этади. 1998 йилда Мисрда бу даража 98% далиги кузатилган. 2025 йилга аҳоли ўсиши билан боғлиқ жон бошига истеъмол 633 млн.куб.м.ни ташкил этади. Агар бу юз берса, МАР аҳолисининг асосий қисми амалда қашшоқ аҳоли деб ҳисобланади, бу эса ўз навбатида оқибатларини ифодалаб бўлмас ижтимоий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Мисрликлар ҳаётини Нил сувларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Дарё ўзида қишлоқ хўжалик ўсимликларини суғоришнинг 100% лик манбасини ифодалайди, ҳамда маиший эҳтиёжлар, дарё кемасозлиги, туризм ва дам олиш учун фойдаланилади. Нил сувлари чучук сув захираларини яратиш ва биринчи навбатда оғир саноат корхоналарини таъминловчи электроэнергия (Асуан гидротехник комплекси)ни ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Сувнинг йирик истеъмолчиси – қишлоқ хўжалик соҳаси ҳисобланади (сув жамламаларининг 2/3 қисми (баъзи бир маълумотлар бўйича 80%) тўғри келади). Бироқ сув истеъмоли ўсиши ҳозирги вақтда бош маънода саноат сеткори, урбанизациянинг динамик процесси ва Синай ва Ғарбий саҳролардаги янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига бўлмоқда.

Ғарбий саҳролардаги катта ҳудудларни суғоришни назарда тутаётган “Жанубий водийни ривожлантириш лойиҳаси (“Тошка лойиҳаси”)”ни амалга ошириш учун Носир (Асуан сув сақловчиси) кўлидан тахминан 5.5 млрд.куб.м. сув талаб этилади. Бу лойиҳанинг юзага келиши яқин 25 йилда Миср аҳолисининг деярли икки барабарга ошиши ва 120 млн. кишини ташкил этиши билан боғлиқ.

Миср учун Нилнинг аҳмияти нафақат демографик балки, иқтисодий омилларни ҳам белгилайди. Яна муҳим аҳамиятли жиҳати мамлакат сув ресурсларининг қисқаришини келтириб чиқарувчи иқтисодий ва геоиқтисодий омилларни ҳам ифодалайди. Ижтимоий соҳадаги негатив жараёнлар сув етишмаслигидан энг аввало, бу нафақат Мисрни иқтисодий таракқиётини секинлаштиради балки, бутун Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақасидаги нобарқарорликни юзага келтириши мумкин. Мамлакатни Нил сувлари билан таъминлаш муаммоси МАРни юқори даражадаги иқтисодий хавфсизлигига ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги кунда сув жамламаси даражаси ҳуқуқий база ва амалиётнинг қийиншлашуви тўлиқ равишда Нил сувларидан фойдаланишда Миср монополиясини ва қисман Суданни ҳимоя қилади. 1959 йилги Миср-Судан келишувига кўра МАР 55.5 млрд.к.м., Судан эса 18.5 млрд.к.м. сувдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Келишув шарти Миср ва Суданни тўлиқ қониқтиради, ҳозирги вақтда Нил ҳавзасидаги барча давлатларнинг сувдан фойдаланиш борасидаги янги келишувни шакллантириши ечими қийин бўлган тўсиқларни вужудга келтирди. Чунки, Нил орти давлатлари бугунда энг аввало тез ўсувчи аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш билан боғлиқ муайян иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини амалга оширишга, қурғоқчилик ва очарчилик доирасидаги қашшоқликни олдини олувчи кафолатларни яратишни амалга ошириш учун дарё суви ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришга ва тасдиқлашга ҳаракат қилишмоқда.

Сув ресурслари муаммолари билан боғлиқ МАРнинг қўшни Судан ва Ғарбий Эфиопия давлатлари билан муносабатида муҳим аҳамиятли бир муаммо турибди. Айнан шунинг учун Қоҳирада Суданни араб-мусулмон Шимол ва Жануб негроидига бўлишга қарши норозиликлар юзага келди. Чунки бу энг аввало сув манбадларида қўшимча қийинчиликлар туғдиради.

Эфиопия Нил оқимининг 85% ни назорат қилади ва кўк Нилда ГЭСларни қуришни расмийлаштирмоқда. Бу эса дарё сувлари оқимининг 9% га камайишига олиб келиш мумкин. Бугунда Эфиопия ўртача 1 млрд.куб.м. сув истеъмол қилмоқда, гарчи унинг Нил умумий оқимидаги ҳиссаси ўн баробар кўп бўлса ҳам. 2020 йилга келиб, мамлакат аҳолиси 110 млн. кишини ташкил этиши мумкин, бу эса Нил сувларидан фойдаланиш салмоғини ошиб кетишига олиб келади. Эфиопия ҳукумати бу борада яқин ўн йилларда кўк Нил ҳавзасини ривожлантириш бош режасини тайёрлади.

Эфиопия ҳаракатлари Нил сув ресурсларини бошқариш жараёнида сезиларли ролни ўйнайди ва хусусий дастурларни амалга оширади ҳамда бу борада Миср-Судан ҳамкорлик принципларини барбод этиш ғояларини олиб бормоқда. Эфиопия ва бошқа бир қанча Нил ҳавзаси давлатлари 1959 йилги келишувни қайта кўриб чиқишни қаттиқ туриб талаб этишмоқда. Эфиопия ўзига Нилнинг юқори оқимидаги етакчилик ролини олди, ҳар бир давлат учун халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида сув ресурсларини фиксирланган улушини ўрнатишга эришмоқда. Аддис-Абеба Миср-Судан келишувини қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Мамлакатда шу сабабли мувофиқ тарғибот компаниялари иш олиб боришмоқда.

Қоҳирада 1959 йилги келишув қайта кўриб чиқилиши ва Эфиопия позицияси тан олинмаслиги ва Аддис-Аббанинг сувдан фойдаланиш борасидаги бир тамонлама тартибдаги истагига асосан Мисрнинг Синай ва Ғарбий саҳродаги лойиҳаларини амалга ошириш, Миср учун хавфли деб ҳисобланади. МАР раҳбарияти, агарда Эфиопия Нил сувидан фойдаланиш бўйича шахсий квотага баёнот берса, у ҳолда Миср ўз улушини камайтиришига тўғри келиши нуқтаи назаридан ҳавотирга тушмоқда. МАР

тортишувли муаммоларни конструктив келишувлар йўлида тартибга солишни таклиф этмоқда. Унга кўра Аддис-Абеба ўз лойиҳасини фақатгина бошқа давлатлардан энг биринчи табиийки, Мисрдан розилик олгандагина амалга ошира олади.

Қоҳира Эфиопия билан низоларнинг чуқурлашиб кетишидан манфаатдор эмас. Чунки Шимоли-Шарқий Африка минтақасида вазиятнинг нобарқарорлиги ва кучларнинг поляризациясига катта таъсир этишига ҳамда истиқболда минтақавий жараёнларга Миср таъсирини чегараланишига олиб келиши мумкин.

Кўплаб ҳолатлар учун Миср 1959 йилги мавжуд келишувни қайта кўриб чиқиш борасидаги масалаларга бўлган муносабатларни тинчлик йўлида Нил сувларини тақсимлаш бўйича икки ва кўп тамонлама келишувларга ҳаракат қилмоқда. Қоҳира фикри бўйича, Нил сувларини адолатли тақсимлаш, энг аввало “Нил ҳавзасидаги ҳар бир давлатнинг истеъмолига мувофиқ сувдан нисбатан самаралироқ фойдаланиш” деб номланади. Шундан келиб чиқиб, Миср кучли муаммоларни юмшатишга чақирадиган Нилни коллектив бошқариш механизмини яратиш учун чиқиш қилмоқда.

Гарчи Миср Эфиопия билан низоларни кенгайтириш йўлидан боришни истамаяпти, бироқ Аддис-Абеба ён бермаслик ҳолатида турадиган бўлса, Миср радикал ҳатти-ҳаракатлар олиб боришга тайёр. 1999 йилда Миср ҳатто агар Эфиопия ўз вазиятини юқори Нил оқимида кучайтирадиган бўлса, қуролли фаолият олиб бориш фикрларидан қайтмаслигини билдирган. Қоҳира Эфиопия режасига қарши бошқа воситаларни ишга солади. Мисрликлар Аддис-Абебанинг хориждан молиявий ёрдам олишида ҳам тўсқинликларни юзага келтиради. Икки давлатлар ўртасида муҳокаманинг юмшаши маълум маънода улар ўртасидаги босимга ҳамда ўзаро шубҳа ва ишончсизликка ҳалақит беради.

Суданда Нил оқимини назорат этиш ҳукмронлиги Миср устидан ҳукмронлик қилиш деб ҳисобланади. Нил оқимини халқаро-ҳуқуқий

жиҳатдан тартибга солиш икки томонлар муносабатларида энг муҳим элемент бўлиб қолади. Томонлар мавжуд квоталар асосида йирик гидроқурилиш режаси келишувини қўллаб-қувватламоқда.

Судан ҳукумати Мисрнинг Нил квотасидаги ҳиссиётларини тўлиқ тушунади, айниқса шунинг учун Миср билан низоли ҳолатни тартибга солиш йўллари излашда суданликлар икки давлатлар умумий стратегик манфаатларига эътибор қаратишмоқда. Бу борада Судан муваффақиятли деб ҳисобламасада “Нил харитаси”ни қайтадан тузиш ишларини бир маратоба кўтариш катта аҳамиятга эга деб билмоқда.

Судан расмий равишда ва амалда 1959 йилги келишувнинг барча пунктларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини унинг ҳуқуқий хусусиятлари қайд этмоқда. Бунинг учун Хартумда қатор жиддий асослар мавжуд. Булар: биринчидан, ҳозирги даврда Суданнинг Нил сувларидаги реал истеъмоли 14.5 млрд.куб.м.дан ошмаяпти, шу билан бирга кунига 4 млрд.куб.м. сув ишлатилмай қолмоқда; иккинчидан, Нил ҳавзасидаги барча давлатлар иштироки билан турли янги келишувни имзолаш Суданнинг мавжуд сув квотасини оширади деган гап эмас. Ҳеч шубҳа туғдирмайдик, Миср қаршиликларсиз ўз ҳиссасини қайтадан кўриб чиқишга рози бўлса.

Миср ўз томонидан албатта Суданнинг сув жамламаси ҳажмини оширишга ва сув квоталаридан тўлиқ фойдаланишга, гарчи Суданликларнинг янги гидротехник қурилиш дастури реал бўлса ҳам ва мавжуд келишув шартларини бузилмаслигига ишонса ҳам қизиқиш билдирмайди. Агар Судан мавжуд сув жамламалари ҳолатини тўлиқ ҳажмда қура олса, Мир учун қўшимча қийинчиликлар яратиш муқаррардир. Айнан шунинг учун Хартумнинг янги ирригацион лойиҳаси амалга ошиши икки давлат ўртасидаги муносабатларни қўшимча равишда амалда синаб кўришга олиб келади. Қоҳирада Суданнинг сув ҳолатини диққат билан кузатиш давом этмоқда.

Вазиятлар турли ривожланган ҳолатда ҳам Нил муаммоси истиқболда ҳам энг аввало Миср, Эфиопия ва Судан ўртасида устувор манба бўлиб

колади. Ҳавза давлатларидан Нил сувларини “адолатли тақсимлаш” формулаларини қидириш доимий муҳокама, суҳбат, икки томонлама ва кўптомонлама музокаралар олиб боришда дарё сувларидан фойдланишнинг ҳуқуқий концепциясини ишлаб чиқишни талаб этади.

Тўққизта давлатни қамраб олувчи (Эритреядан ташқари) ушбу мега лойиҳа сув тошқинлари ва қурғоқчилик оқибатларини бартараф этишда ҳамкорликни кучайтириш, атроф-муҳитни ҳар томонлама назорат қилишни ташкил этиш, гидроэлектроэнергия экспорти ва ишлаб чиқариш бўйича алоҳида лойиҳалар доирасида иштирокчи давлатлар ҳамкорлигини акс эттиради. Миср ва Эфиопия амалда синовдан ижобий ўтган лойиҳаларни “ўта фойдали ва натижавий” иш сифатида баҳолашади.

2.3. Тошқа лойиҳаси: Миср ирригация тизими ривожланишининг асосий омили сифатида

Миср Араб Республикаси инсоният хўжалик тараққиётида аграр соҳада ҳар доим етакч аҳамиятга эга бўлиб келган. Ҳозирги кунда ҳам мисрлик деҳқонлар тажрибаси қўшни ҳамда ғарб мутахассисларининг эътиборини қозониб келмоқда.

Маълумки, аграр соҳада катта муваффақиятга эришишда албатта хорижий инвестицияларнинг ўрни ниҳоятда беқиёсдир. 2009/2010 йилларда ушбу соҳадаги инвестициялар 7,5 млрд.МФ.га ошган⁷. Шундан аграр хусусий секторнинг улуши 5,4 млрд.МФ.ни ташкил этган, бу эса аграр сектордаги умумий инвестициялар улушида 72%ни қайд этади. Давлат аграр секторидаги инвестициялар 2,1 млрд.МФ.ни ва мувофиқ равишда 28% га тенгдир.


Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўтган йилги 66,2 млрд.МФ.га солиштирилганда 2009/10йилларда 68,6 млрд.МФ.га ўсган. Бу кўрсаткичлар

⁷ Social and Economic Development Follow-Up report for the Year (2006/2007)

тахлили бевосита қишлоқ хўжалик салоҳияти 3,7% га ўсганлигидан далолат беради.


2009/2010йилларда эришилган асосий муваффақиятларни қуйидагича таҳлил этса бўлади:

- Соҳани замонавийлаштириш ва инфратузилма ишларини янада кучайтириш йўлида 70 минг феддан⁸ ер майдонлари ўзлаштирилди, бунинг асосий 75% қисми Синай ва Юқори Миср майдонларига тегишлидир (қуйидаги тасвирда кўришингиз мумкин).



- 2009/2010 йилларда ўзлаштирилган 53,5 минг феддан ернинг 55% и Ўрта Миср майдонларига тўғри келади.

⁸ 1 феддан 0,42 га. тенг



Манба: Миср ирригация ва сув ресурслари вазирлиги.


- Саҳел ал-Тина ва Жанубий Қантара ҳудудларидаги 137 минг ер майдонларида бажарилган дренаж инфратузилма ва ирригация ишлари ниҳоясига етказилди.
- 190 минг феддан майдонлардаги ирригация ишлари якунланди.
- 91 минг феддан ер майдонларига ётқизилган дренажлар тамомланди.
- 95 минг феддан ер майдонларига давлат томонидан дренаж ишлари кучайтирилди ва кенгайтирилди.
- 102 минг феддан ер майдонлари учун дренаж ишлари янгиланди ва қайтадан тикланди.

XX асрнинг 80-йилларида Миср раҳбарияти вилоятларнинг бир текис ривожланишига интилиш, аҳолини янги минтақаларга кўчириш, ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш, мамлакат тараққиётига умумий туртки бериш учун йирик иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқди. Йирик иқтисодий лойиҳалардаги асосий ишлар XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида бошланди.

Бугунги кунда Миср раҳбарияти Тошка, Сувайш кўрфази Шимоли Ғарби, Синай ярим оролини ривожлантириш ва Порт Саид шаҳри шарқи номи остидаги йирик иқтисодий лойиҳаларга устуворлик бермоқда.

Сабаби Сувайш каналидан келадиган даромад 2005/2006 йилги 934,8 млн.АҚШ.долл. га нисбатан 2009/2010йилда 1.12 млрд.АҚШ.долл.га ўсган. Бу эса ўтган йилга нисбатан 19.6% ни ташкил этади. Бутун йилда Сувайш канали даромадлари ўтган йилги 3,56 млрд.АҚШ.долл.га нисбатан бу йил 4.17 млрд.АҚШ.долл.ни ташкил этган ва 17% ўсишни кайд этади.



2005/06 йиллардаги тўртинчи квартал ва 2009/10йилларда Сувайш каналидаги даромадлар (ўсиш % да)



Манба: The Central Bank of Egypt, Suez Canal Authority

Бу даромадларнинг ўсиши Сувайш каналидаги кемаларнинг кесиб ўтиш сонининг ортиши билан тушунтирилади. Жумладан уларнинг сони ўтган йилдаги тўртинчи кварталда (180,4 млн.тоннадан 204,6 млн.тоннагача) ги кўрсаткичга нисбатан бу йилдаги айнан ўша кварталда уларнинг кўрсаткичлари кемалар сони 9,4% ва транзит юklarининг соф оғирлиги 3.4% га ўсган.

Сувайш каналида 2005/2006 ва 2009/2010йилларнинг жорий тўртинчи кварталидаги динамика



Тошка лойиҳаси. XX аср давомида Мисрда бунёд этилиши бошланган энг йирик ижтимоий-иқтисодий тараққиёт лойиҳалардан бири Тошка минтақасини ўзлаштириш ҳисобланади.

Тошкадаги қурилиш ишларининг биринчи босқичи режаларига биноан минтақада узунлиги 50 км. бўлган шайх Зайд номидаги магистрал канал ва насос станцияси қурилади. Қурилиш ишлари 1997 йилнинг январида бошланган.

Миср раҳбарияти Тошкадаги магистрал канал қурилганидан кейин минтақада 6 млн. киши яшайдиган янги делта вужудга келтиришни режалаштирмоқда. Биринчи босқичда магистрал канал Нилдан йилига 5 млрд. куб м. сув олиб, 540 минг феддан (1 феддан 0,42 га.) ерни суғориши кўзда тутилган⁹.

Тошкада шайх Зайд номидаги магистрал каналнинг бир қанча тармоқлари, саноат, қишлоқ хўжалиги ва туризм иншоотлари, тегишли инфраструктура шоҳобчалари барпо этилиши мўлжалланмоқда.

Лойиҳага биноан Тошкадаги қурилиш ишлари 300 млрд. миср фунти (1 АҚШ доллари тахминан 5 миср фунтига тенг) га тушади. Жумладан, магистрал канал, насос станцияси ва инфраструктура иншоотлари барпо этилишига 75 млрд. миср фунти, саноат соҳасига 60 млрд. миср фунти ҳамда ерларни ўзлаштириш ва экинлар экишга ҳам 60 млрд. миср фунти сарфланиши режалаштирилган.

⁹ Миср ирригация ва сув ресурслари вазирлиги.

2001 йилнинг январига келиб, Тошка лойиҳаси бўйича 42 млрд. миср фунти ҳажмида қурилиш ишлари амалга оширидди. Бунда харажатларнинг 20%и давлат ва 80%и хусусий сектор томонидан қопланди. Режага биноан 2001 йилнинг охирига қадар Тошка лойиҳаси биринчи босқичининг 70% тугатилган. Лойиҳадаги барча ишлар 2017 йилда якунланиши кўзда тутилмоқда¹⁰.

Тошка лойиҳасидаги ишлар Миср ҳукумати томонидан жиддий назорат қилинаётгани унга Президент Муборакнинг алоҳида эътибори қаратилгани билан ҳам тушунтирилади. Жумладан, Президент Муборак Тошка лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари бошланганидан бери минтақага тўққиз марта сафар қилган.

Сувайш кўрфази шимоли ғарбини ривожлантириш лойиҳаси. Миср ҳукумати Сувайш кўрфази шимоли ғарби мўътадил иқлими, табиий бойликлари, туризм соҳаси учун жозибадорлиги унинг халқаро савдо-сотиқ ва хизматлар марказига айланиши мумкинлигини ҳисобга олиб, минтақада катта қурилиш ишларини бошлаб юборди. Мазкур минтақанинг Қоҳирадан тахминан 100 км, шарқда жойлашгани ҳам унга қизиқишни оширди.

Сувайш кўрфази шимоли ғарбини ривожлантириш лойиҳасини амалга оширишдан асосий мақсад бу минтақа аҳолисини кўпайтириш, ҳудуддаги табиий бойликларни ўзлаштириш, эркин савдо минтақаси барпо этиш ва халқаро порт қуришни қамраб олади.

Режаларга биноан Сувайш кўрфази шимоли ғарби аҳолиси 2,5 млн. кишига етиши, тахминан 200 саноат корхонаси қурилиши ва 600 минг янги иш жойи барпо этилиши кутилмоқда.

Синай ярим оролини ривожлантириш лойиҳаси. 1992 йилда Синай ярим оролини ривожлантириш лойиҳасида қурилиш ишлари бошланди. Лойиҳадаги ишларни амалга ошириш учун 75 млрд. миср фунти ҳажмида

¹⁰ Тадқиқодчи Муҳаммад Даввобанинг “Ашшарқ ал-авсат” газетасида 2008 йил 23 апрелда чоп этилган мақоласи.

инвестиция қилиниши мўлжалланган. Режага биноан қурилиш ишлари 2017 йилда якунланиши кўзда тутилган.

Синай ярим оролини ривожлантириш лойиҳасидан кўзда тутилган асосий мақсад бу ҳудудда аҳоли яшайдиган катта минтақани вужудга келтириш ҳисобланади. Режага мувофиқ ушбу минтақада 3,2 млн. киши яшаши ва 1 млн. янги иш жойи барпо этилиши кўзда тутилган.

Лойиҳанинг ўзагини ас-Салом канали ташкил этади. Канал Нил дельтасининг ғарбини Синай ярим ороли билан боғлаши режалаштирилган. Ушбу канал Синай ярим ороли ўзлаштирилиши ва ривожлантирилишида жиддий ўзгаришлар қилиши кўзда тугилади. Каналда бир йилда 4,45 млрд. куб м. ҳажмида сув оқиб, 620 минг федданни суғоришга мўлжалланади. Керакли сувнинг тахминан ярми Нил дарёси, қолгани тозаланган қишлоқ хўжалиги сувлари ҳисобига шаклланади. Сувайш каналининг ғарбида 220 минг феддан ва Синайда 400 минг феддан ер ўзлаштирилади¹¹.

Юқоридаги каналнинг Димётдан Сувайш каналигача бўлган қисми 87 км. га тенг бўлади. Ушбу канал Сувайш канали тагидан ўтказилиб, Синай ярим оролидаги қисми 175 км. узунликда бўлади ва шайх Жобир номи билан аталади.

Синай ярим оролини ривожлантириш лойиҳаси доирасида барпо этиладиган ас-Салом канали минтақани ҳар томонлама ривожлантириш, хусусан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва туризм иношоотлари қуриш имкониятларини яратиб беради.

Порт Саид шарқи лойиҳаси. 90-йилларда амалга оширилиши бошланган Порт Саид шарқи лойиҳаси бу ҳудудда порт қуриш, саноат ва туризм минтақалари барпо этишга қаратилган. Лойиҳа асосида Сувайш каналининг шарқини тўла ривожлантириш кўзда тутилган.

Режага биноан Порт Саид шарқи лойиҳаси 28 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради. Асосий инфраструктура иношоотлари давлат

¹¹ «Тошка лойиҳасини жонлантириш» Нуриддин Муҳаммад. Қоҳира 2007 йил. 67-бет.

маблағлари ҳисобига барпо этилади. Лойиҳадаги иншоотлар ҳаммаси бўлиб, 52,4 минг феддан ерда бунёд этилиши мўлжалланган.

Порт Саид шарқи лойиҳаси доирасида бунёд этиладиган порт муҳим аҳамият касб этиши кутилмоқда. Портнинг асосий вазифаси Сувайш каналидан ўтадиган кемаларга хизмат қилиш бўлади.

Юқорида қисқача кўриб ўтилган лойиҳаларга чет эл инвесторлари ҳам жалб этилган. Жумладан, лойиҳаларда Саудия Арабистони, Қувайт ва БАА каби бой араб давлатлари ўз сармоялари билан қатнашмоқда. Бу Тошқада шайх Зайд (БАА Президенти) ва Синай ярим оролида шайх Жобир (Қувайт Амири) номлари билан аталган каналлар қурилишида ўз ифодасини топган. Тошқада саудиялик йирик ишбилармон шахзода Валид бин Талол томонидан ҳам катта инвестициялар қилингани қайд этилган.

Лойиҳаларга бошқа араб давлатлари, етакчи Ғарб ва Жануби шарқий Осиё мамлакатлари сармояларини жалб этишга ҳам фаол саъй-ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, Сувайш кўрфази шимоли ғарбини ривожлантириш лойиҳасида Хитойнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Мамлакатда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг сиёсий аҳамияти Сувайшнинг шарқи ўзлаштирилиши ва аҳоли кўпайиши орқали Мисрнинг Исроилга нисбатан мавқеи кучайиши ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган сув муаммоларининг олдини олиш учун Нил дарёсидан мумкин қадар самарали фойдаланишга интилиш билан боғланган.

Миср раҳбарияти юқоридаги лойиҳаларга катта эътибор бераётган бўлсада, XX асрнинг 90-йиллари охирида мамлакатда бошланган иқтисодий қийинчиликлар уларнинг амалга оширилишига жиддий таъсир этди. Натижада лойиҳалардаги ишларнинг амалга оширилиш суръатлари сезиларли даражада пасайгани қайд қилинди.

Йирик лойиҳаларда ишларнинг бориши секинлашуви ва қурилишнинг кўп йилларга чўзилиши мумкинлиги уларнинг самарадорлигига мамлакат ва унинг ташқарисида ишончсизлик билан қарашни кўпайтирди. Баъзи иқтисодчилар юқоридаги лойиҳаларни режалаштириш асносида катта

хатоларга йўл қўйилганини ҳам кўрсатдилар. Лойиҳаларнинг самарадорлиги яхши ўрганилмагани учун уларга хусусий сектор томонидан қизиқиши камлиги ва давлат маблағлари бекорга сарфланаётгани ҳам қайд этилди.

Мисрда ҳозирги кунда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар орасида Тошка лойиҳаси энг кўп танқид қилинди ва юқоридаги салбий мулоҳазаларнинг аксарияти айнан у билан боғланди.

Юқоридаги танқидларга қарамай, Миср раҳбарияти йирик иқтисодий лойиҳаларга мамлакатнинг келажаги сифатида қараб, улардаги ишлар давом эттирилишини билдирмоқда. Бунда ҳукумат томонидан хусусий сектор фаоллиги ва хорижий инвестициялар ҳажми ошишига умид қилинмоқда.

Хулоса

Яқин Шарқ минтақасида ирригация тизимининг ривожланиш ҳолати ва истиқболлари (Миср Араб Республикаси мисолида) мавзуини ўрганиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Миср ижтимоий–иқтисодий кўрсаткичлари бўйича араб мамлакатлари қаторидан ўзига хос муносиб ўринларни эгаллаб келаётган давлатлар сафига киради. Миср ҳукумати бозор иқтисодиётига йўналтирилган ислохотларнинг негизини, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб – қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ётади. Ҳаммамизга маълумки, кўпчилик араб давлатлари ижтимоий–иқтисодий ислохотларини биринчи ва иккинчи фазалардаги беш, ўн йиллик каби даврларга бўлиб олган ҳолда олиб боради. Чунки юқори малакали кадрларни тайёрлаш анчагина вақтни талаб этади. МАР нинг етук иқтисодчилари фикрли бўйича аҳоли ижтимоий жиҳатдан кучли қатламни ташкил этса, мамлакат иқтисодиётини кўтаришнинг энг асосий бўғини бўлишига хизмат қилади.
2. Мисрда 2010-йилда аҳоли ўртача 1,4 млн.га ўсганини эътиборга олган ҳолда мамлакатда йилига 600-650 минг иш жойлари ташкил қилиниши керак. Амалга оширилаётган ислохотлар айтарлиқ наф бермаётгани ва чет элда ишлаётган 1,9 млн. мисрликларнинг муайян қисми қайтиб келиши нафақат мамлакатга келаётган маблағлар камайиши, балки ишсизлик вазиятини янада мураккаблаштиришига сабаб бўлмоқда.
3. 2010 йилда Миср ҳукумати ижтимоий ҳаётнинг яна бир соҳаси - соғлиқни сақлашга катта эътибор бериб, уни яхшилаш йўлида 37,76 млрд. АҚШ долл. ажратган ва бу маблағ тўлиқ ўзлаштирилган. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 433 та касалхона куриб битказилиб, фойдаланишга топширилган. Мисрда 2006 йил охирига келиб 455 та марказий ва 4631 та қишлоқ врачлик касалхонаси бўлиб, унда 155 минг малакали тиббиёт ходимлари ва 187 минг ҳамшира ишлаган ҳамда аҳолига 138 минг дрихона хизмат кўрсатган. Аммо

бунинг ҳаммаси мамлакатнинг соғлиқни сақлашга бўлган эҳтиёжини қондирмайди.

4. Мисрда 2009-2010 молия йилларида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 72 млрд. АҚШ долл.ини ташкил этиб, ўтган молия йилига нисбатан бирмунча кўпайган. Ялпи ички маҳсулотни ўсишининг ярмидан кўпини Сувайш канали (23 %), хизмат кўрсатиш (19 %), энергетика (7,8 %), қишлоқ хўжалиги (2,8 %) ва саноатдан (2,6 %) келган даромадлар ташкил этган.
5. Миср ҳукумати мамлакат иқтисодини хорижий инвесторларга кенг қилиб очиб қўйди. Буни мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлардан ҳам билиб олиш мумкин. Инвестицион воситаларни қабул қилиш учун қулай иқлим яратилди. Қулай инвестицион иқлим ўзида қатор специфик хусусиятларни акс этиради, булар: муваффақиятга эришишда тўғридан-тўғри таъсир этиш ва инвесторларга фойда олишнинг аниқ йўлларини очик тарзда кўрсатилиши каби омиллардир.
6. Миср ҳукумати истикболда ирригация тизимини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Айниқса, бу соҳада хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштироки кўллаб-қувватламоқда.

Тошка лойиҳасидаги ишлар Миср ҳукумати томонидан жиддий назорат қилинаётгани унга Президент Муборакнинг алоҳида эътибори қаратилгани билан ҳам тушунтирилади. Жумладан, Президент Муборак Тошка лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари бошланганидан бери минтақага тўққиз марта сафар қилган.

7. 1982/1983 - 2009/2010 йиллар оралиғида ирригация соҳасидаги умумий инвестициялар ҳажми 29 млрд.МФ. ташкил этди. 2009/2010 йилларда ушбу соҳадаги бевосита жами инвестициялар миқдори 4 млрд.МФ. ташкил этди. 2010 йилгача 10 млрд.МФ. миқдоридаги инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган.

8. Қатор Европа ташкилотлари маълумотларига мувофиқ, жаҳонда йилига 5 млн.дан ортиқ киши ифлос ва зарарланган ичимлик суви истеъмоли натижасида орттирилган касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмар экан. Ҳозирги вақтда дунёдаги 31 та давлатнинг 1 млрд.дан ортиқ кишиси тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Дунёда ҳар 8 сонияда яроқсиз ичимлик сувини истеъмоли қилган чақалоқ вафот этмоқда. Шунинг учун бу, жаҳонда инсон ҳақ-ҳуқуқларининг бузилишига яққол мисол ҳисобланади. Агарда Шимолий Америкада ҳар бир киши йилига 1700 куб. метр сув истеъмоли қилса, бу ҳолат Африкада бор-йўғи 250 куб. метрни ташкил этади. Охирги 50 йилда Африка давлатларидаги сув манбалари тўртдан уч қисмга, Осиёда эса учдан икки қисмга қисқарган. Африкадаги ичимлик сувини қитъа аҳолисининг фақатгина 60% ичишади. Ушбу аҳоли ёмон сув билан боғлиқ касалликлардан азият чекишмоқда.
9. Халқаро ташкилотларнинг баҳолашларича 2025-2035 йилларда ер шаридаги аҳолининг сони 8 млрд. кишини ташкил этса, у ҳолда умумий аҳолининг 3,4 млрд. кишиси тоза ичимлик сувига имконият топа олишар экан. Қолган қисми ичимлик сувига эҳтиёж сезишда давом этади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра йилига 180 млрд.АҚШ.долл. миқдоридаги суммани ўн йил давомида маблағ сифатида ажратилсагина ер шарининг барча аҳолисини яроқли тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари ҳал этилар экан.
- 10.Нефт қазиб чиқарувчи бой араб мамлакатларида тўғри, аммо кўп ҳаражатли бўлган денгиз сувини чучуклаштиришга йилига миллиардлаб долларларни ажратишмоқда. Бир қанча маълумотлар бўйича Араб давлатлари ҳозирнинг ўзида сув истеъмолининг тахминан 70% дан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Бироқ Осиё ва Африканинг кўплаб давлатлари ҳукуматлари бундай ҳаражатларни амалга оширишга қодир эмас.

11.Мамлакатни Нил сувлари билан таъминлаш муаммоси Миср ташқи иқтисодий сиёсатининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Муаммо миллий хавфсизлик билан қалин боғланган. Шунга қармай Миср Нилнинг қуйи оқимида жойлашган, бу эса мамлакатда йирик Африка дарёсининг юқори оқимидаги давлатлар билан ҳисоблашишни талаб этади. Қатор Африка давлатлари 1959 йил Миср ва Судан ўртасида имзоланган Нил дарёси сувларини тақсимлаш бўйича шартномани қайта кўриб чиқишни талаб этишмоқда. Уларнинг фикрича, Шартнома “Қора китъа”нинг ҳозирги иқтисодий ва демографик ҳақиқатларини ифода этмайдиган ҳамда, Қоҳира ва Хартум ҳуқуқларини ушбу Африка дарёси ресурсларидан фойдаланишига имтиёз бермайдиган эскирган бир ҳужжат деб ҳисоблашмоқда. Унга мувофиқ Миср йилига ундан 55,5 млрд.куб.сув, Судан 18,5 млрд.куб.сув ресурсларидан фойдаланишади. Бу ерда яна қўшимча равишда айтиш мумкинки, Нил ҳавзаси давлатларида 160 млн.киши ҳаёт кечиради ва уларнинг сони йилига 2,5 млн.га ошмоқда.

Умуман олганда шуни айтиш мумкинки, Миср ва Судан “сув масаласи”да биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олишди. 2004 йил июлда расмий Хартум, Судан ва Миср ўртасида Нил дарёси сув ресурсларини тақсимлаш масалаларида ўзаро тушуниш мавжуд деб таъкидлади. Миср ва Судан Нил чегараларида қайсидир бир давлатнинг ишларига дарё сувларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларда аралашмаслик ҳақида ўзларининг баёнотларини беришди. Бу икки давлатнинг сув квоталарини қанчалаик даражада қисқариши билан боғлиқ масаладир.

12.Араб давлатларида мураккаблашиб бораётган вазиятда, минтақада етишмовчи сув ресурслари муаммоларини ҳал этиш учун зарурий консолидацияни кучайиши тўғрисида гаирилмоқда. Янги технологияларни жорий этиш муаммолари ва чучук сувни йиғиш, янги сув ресурсларини қидириб топиш ҳамда чўллашишга қарши

курашиш масалалари билан шуғулланувчи **Араб сув кенгаши**, (2010 йил Қоҳирада бўлиб ўтган конференцияда ташкил этилган) сув билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишга қаратилган кенгаш ҳисобланади. Унда қабул қилинган “Араб сув ресурслари ҳақида Қоҳира декларация”си ҳозирги кунда сув ресурсларининг 65% и хорижга йўналтирилишининг олдини олиш ва бу борада ягона стратегия ишлаб чиқиш масалаларини қамраб олади.

13. Сув ресурслари ва суғориш ҳамда қишлоқ хўжалиги вазирликларининг фаолиятларида президент Муборак аграр ва сув сиёсатидаги парадигмаларнинг ўзгаришини барқарорлаштириш заруриятида унга йўналишни тасдиқлади.

Биринчи, суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сув ресурсларидан рационал фойдаланиш, деҳқонларни сувдан фойдаланишини консультацияларга мувофиқ олиб бориш.

Иккинчи, ҳосилдор ерлардан самарали фойдаланиш.

Учинчи, истиқболдаги аграр ривожланиш учун реал аҳамиятли стратегияларни лойиҳалаштириш.

Барча унга йўналиш минимал сувдан фойдаланган ҳолда максимал даражада маҳсулот яратишни қамраб олувчи бош ғоя бўлади, демак нисбатан юқори монетар қийматга эришиш (More crop per drop). Бу миллий суғориш тизимларини бошқаришда ўзгаришлар, суғориш инфратузилмаларини қайта монтаж қилиш, молиявий муаммоларда компетенциялар, сув хизматларини оптимизациялаш бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари ва мутахассисларининг юқори координациясини кучайтириш ва самаралироқ лойиҳалаштириш асосида таркибий ресурслардан фойдаланиш принципларини амалга оширишни англатади.

14. Бугунги кунда Нил сувларининг асосий улушини Миср ва Судан истеъмол қилишмоқда. Бу борада Миср Нил водийсида ҳаёт

кечираётган 98% аҳолини нисбатан чучук сув билан тўлиқ таъминламоқда. Ҳозирги кунда мамлакатда истеъмол қилинаётган чучук сувларнинг 85% и дарёга тўғри келмоқда, қолган қисми грунт сувлари, суғориш ва қувурлардаги сувларни тозалашдан сўнгги дренаж сувларни қайта ишлатилганлар бермоқда. Денгиз орти ҳудудларда энг кўп тарқалган денгиз сувларини чучуклаштириш ташкил этмоқда. Ҳозирги вақтда Миср учун Нилнинг реал муқобили йўқ ва истикболда қўрилмаяпти.

Ҳозирги кунда сув жамламаси даражаси ҳуқуқий база ва амалиётнинг қийиншлашуви тўлиқ равишда Нил сувларидан фойдаланишда Миср манаполясини ва қисман Суданни ҳимоя қилади. 1959 йилги Миср-Судан келишувига кўра МАР 55,5 млрд.к.м., Судан эса 18,5 млрд.к.м. сувдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

15. Бугунги кунда Миср раҳбарияти Тошка, Сувайш кўрфази Шимоли Фарби, Синай ярим оролини ривожлантириш ва Порт Саид шаҳри шарқи номи остидаги йирик иқтисодий лойиҳаларга устуворлик бермоқда. Сабаби Сувайш каналидан келадиган даромад 2005/2006 йилги 934,8 млн.АҚШ.долл. га нисбатан 2009/10йилда 1,12 млрд.АҚШ.долл.га ўсган. Бу эса ўтган йилга нисбатан 19,6% ни ташкил этади. Бутун йилда Сувайш канали даромадлари ўтган йилги 3,56 млрд.АҚШ.долл.га нисбатан бу йил 4,17 млрд.АҚШ.долл.ни ташкил этган ва 17% ўсишни қайд этади.

16. Миср раҳбарияти юқоридаги лойиҳаларга катта эътибор бераётган бўлсада, XX асрнинг 90-йиллари охирида мамлакатда бошланган иқтисодий қийинчиликлар уларнинг амалга оширилишига жиддий таъсир этди. Натижада лойиҳалардаги ишларнинг амалга оширилиш суръатлари сезиларли даражада пасайгани қайд қилинди.

Умуман олиб қараганда Миср ирригация тизимини такомиллаштириш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатда истикболли лойиҳа сифатида қаралаётган “Тошка” ҳозирги кунда нафақат

ирригация соҳаси балки, бутун миллий итқисодиётнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2003. - 40 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 159-163-бетлар.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 140-153-бетлар.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 154-160-бетлар.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.:Ўзбекистон, 2002. - 46-72-бетлар.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси, 2000 йил 13 июнь.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.:Ўзбекистон, 2002. - 201-205-бетлар.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

2.5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2.6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

2.7. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

2.8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент 2010.

III. Китоблар ва монографиялар

3.1. Абдурахмонов Қ.Х., Аллаяров А.Л., Додобоев Ю.Т., Хасанжонов Қ.А. Марказий Осиё давлатларининг регионал иқтисодиёти. – Т.: “Turon-Iqbol” нашриёти, 2006. – 424 б.

3.2. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: «Шарк», 2005. – 464 с.

3.3. Алчинов В.М. СНГ – Россия – Евросоюз. Проблемы и перспективы интеграции /В.М. Алчинов; Дипломат. акад. МИД России, Ин-т актуал. междунар. проблем. – М.: Восток – Запад, 2008. – 220 с.

3.4. Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: настоящее и будущее /Т.: 2010. – 218 с.

3.5. Баринов В.А. Внешнеэкономическая деятельность. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. – 192 с.

3.6. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2007. – 359 с.

3.7. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.

3.8. Динкевич А.И., Швыдко В. Г. Страны Центральной Азии - новая фаза переходного периода / Ин-т востоковедения РАН. - М., 2005. - 174 с.

3.9. Евразийская стратегия суверенного Казахстана / Под ред. Б.К.Султанова. – Алматы: КИСИ, 2005. – 342 с.

3.10. Иванов Э.М. Экономические отношения России со странами Центральной Азии / Под ред. Е.М. Кожокина; Рос. ин-т стратег. исслед. - М., 2006. - 127 с.

3.11. Кругман П.Р., Обсфельд М. Международная экономика: теория и практика. /Пер. с англ. М.: МГУ, ЮНИТИ, 1997. – 349 с.

3.12. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Монография. Ташкент – 2004. – 224 с.

3.13. Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность. Т.: «Шарк». 2002. – 208 с.

3.14. Шишков Ю.В. Теоретические проблемы мировой системы хозяйствования. //Экономическая теория национальной экономики и мирового хозяйства. М., 2007. – с.257.

3.15. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. /Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар. //С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 440 б.

4. Хорижий тилдаги адабиётлар

5.1. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998, - 618 pp.

5.2. Anne O. Krueger. Trade Policy and Economic Development: How We Learn. – National Bureau of Economic Research, Working Paper 5896, January 1997, pp. 7-9.

5.3. Bertil Ohlin. Interregional and International Trade. - Cambridge: Harvard University Press, 1933.

5.4. Bhagwati, Jaddish N. and Srinivasan, T.N. A General Equilibrium Theory of Effective protection and Resource Allocation. – Journal of International Economics, Vol. 3, pp. 259-28.

5.5. Krugman P. Import protection as Export promotion: International Competition in the Presence of Oligopolies and Economies of Scale. In: Monopolistic Competition and International Trade. – Oxford Univ. Press, 1984.

5.6. Ricardo David. The Principles of Political Economy and Taxation. – Cambridge: Cambridge University Press, 1951.

5. Статистик тўпламлар ва маълумотномалар

Республики Казахстан по статистике – Астана. – 2011. – 250 с.

5.1. UNCTAD. World Investment Report 2010

5.2. World Metal Statistics, 2009

6. Интернет ресурслар

7.1. www.stat.uz

7.2. www.cer.uz

7.3. www.press-service.uz.

7.4. www.cisstat.org.

7.5. www.stat.kz

7.6. www.ereport.ru

7.7. www.akorda.kz

7.8. www.government.kz

